84
Ё93

ҲОМИЛ ЁҚУБ



# Чўлпон ва Навоий

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

30.05.22.

ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

ҲОМИЛ ЁҚУБ

# ЧЎЛПОН ВА НАВОИЙ

0598

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997

Ё 93

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, У.ТУЙЧИЕВ

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Ҳ.АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор С. ЭРКИНОВ

**Ёқуб, Ҳомил.**

Чўлпон ва Навоий/Масъул муҳаррир: У.Тўйчиев/.—Т.: «Шарқ», 1997.—48 б.

Атоқли ва машҳур олим Ҳ. Ёқубовнинг «Чўлпон ва Навоий» номли китобчасида Чўлпон шеъриятида Навоий анъаналари муммоси текширилган. Муаллиф Навоий ва Чўлпон лирикасида кўнгил масаласини таҳлаб олиб, муаммони шу асосда ҳал қилади. У тадқиқотда Навоий темурийларнинг марказлашган давлат ҳимоячиси, Чўлпон эса XX аср бошида шу анъанани ижодий давом эттирган ва миллий мустақил давлатни юзага келтириш учун курашган шоир деган хулосага келади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 83.3Ў

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1997

*Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланади*

## КИРИШ

Чўлпон ўзининг улуғ Алишер Навоийга бўлган чексиз эҳтироми, ихлосини: Навоий ижодиёти фақат ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихи ва тақдирини белгилабгина қолмасдан, балки бутун туркий халқлар ижодиётига кўрсатган таъсирини, ҳатто жаҳон адабиётининг узоқ умр кўрган, энг нодир, ўлмас асарлари билан бадиий савияси жиҳатидан беллаша оладиган, умумбашарий маънавият, нафосат намуналарини яратганини 1924 йилда ёзган «500 йил» деган мақоласида лўнда изҳор этган эди. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон мазкур мақоласида ёзишича, мумтоз ижодкор Навоий даҳоси ўзбек тили ва адабиётида тегишли юксак мавқени олган»: ҳатто «бу кунги ўзбек адабиётига», унинг «содда шеваси» — адабий тилига мислсиз таъсир кўрсатган эди. У биргина ўзбек қавми[1] адабиётида эмас, умумтурк халқлари адабиётида ҳам ўзига яраша жой олган эди».

Чўлпон «Руслар Пушкиннинг ҳар бир йили учун ҳам катта байрамлар ясашлари... Ғарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказилиши»ни эслатиб, улуғ Навоийнинг юбилейига қадар амалга ошириш лозим бўлган бир қатор тадбирларни кўрсатиб ўтган эди.[2] Улар орасида Навоий шеърларидан танланган бир асарни нафис қилиб бостириш, Навоийнинг мукаммал таржимаи ҳолини яратиш, Ўзбекистон пойтахтида Навоий ҳайкалини тиклаш ва баъзи бир Ўзбекистон шаҳарлари кўчаларини унинг номи билан аташ, юқори ўқув юртларида ўзбек талабалари учун унинг номида стипендиялар тайинлаш каби тадбирлар санаб ўтилган эди. Чўлпон тавсиялари, хусусан уни дилдан қизиқтирган, Навоий ижодиётининг асл бадиий моҳиятини ёркин ифодалайдиган намуналаридан лоақал «Терма бир асарни нафис қилиб», нашр эттириш ўша вақтда амалга оширилмади. Тўғри, 1926 йили Бокуда Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган Туркология қурултойи чақирилди. Қурултойга атаб шоирнинг филологик илмий тадқиқоти — «Муҳокаматул-луғатайн», ибратомуз ёзишмамактублари «Муншаот», кенг миқёсдаги маданий-ободончилик фаолиятини ёритган «Вақфия» босиб чиқарилди. Қурул-

---

[1] Бу ўринда «Шева», «қавм» сўзлари ўша вақтда қўлланиб келган атамалар маъносида ишлатилган.

[2] Чўлпоннинг ушбу ва бошқа мақолалари ҳамда шеърий асарларининг кўчирма нусхаларини топиб беришда Ш. Турдиев хизматларини тақдирлаб, унга муаллиф самимий миннатдорлигини изҳор этади.

тойга тўпланган шарқшунос олимлар Навоий ижодини ўрганишга асосан туркологик-филологик нуқтаи назардан ёндошдилар. Улар Навоий яшаган давр тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, Навоийнинг маданий-маърифий, ободонлик ишлари, хотиралари ва тилшуносликка оид оригинал асарларини текширишга энг кўп эътибор қилдилар, бадиий ижодиёти форс-эрон классик шеъриятининг юксак намуналарига тақлидан яратилгани тўғрисидаги XIX аср иккинчи ярмидаги Ғарбий Европа ва рус шарқшуносларининг бирёқлама қарашларини бартараф эта олмадилар.[1]

Чўлпон эса биз кўрсатган мақоласида Навоийга ўзбек адабий тили ва ўзбек бадиий адабиётининг бобокалони сифатида қараган эди.

Ҳақиқатан Навоий туркий тиллар, уларнинг шева ва лаҳжаларигача ўрганиб, элини ва мамлакатини «якқалам» қилиб бирлаштириш ва айни тилда нафис шеърият ва руҳий қадриятлар яратишни бир-биридан ажратиб қарамаган эди. У форс тили ва шеъриятига бўлган ҳурмати ва ихлосини бажо келтиргани ҳолда, «уларда туркий завқ озлигини» чуқур англаб етди, туркий тил ва шеъриятнинг ўзига хосликлари, мажозий сермафҳум ва сермаъноликлари мўллигини теран ҳис этиб тушунди:

Чун форси эрди нуқта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи...
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким, шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доги баҳра бўлғай.
Невчунки бу кун жаҳонда атрок,
Кўптур хуштабъу софи идрок.
Гар модда камрак эрса не ғам,
Чун завқдур асл ул эмас кам.[2]

Шунинг учуноқ Чўлпон жаҳонга ёйилган турк элларининг бадиий камолотига асқотадиган оламшумул асарлар яратган улуғ санъаткорнинг санасини кенг миқёсда муносиб нишонлашни тавсия қилган эди.

Ҳақиқатан ҳам Чўлпон лирикасининг бадиийлиги ва миллийлиги унинг руҳиятидаги таранг маънавий тўлқинланишлар, кўтаринкиликлар, турли-туман кайфияти-ю қайноқ кечинмалари мазмунида ифодаланади.

---

[1] Қурултой материаллари баъзи таҳрирлар билан 1928 йили Ленинградда «Мир-Алишер» тўпламида босилиб чиқди. Е. Э. Бертельс тўпламга кирган «Навоий ва Аттор» мақоласида «Мантиқут-тайр» ва «Лисонут-тайр» достонларини батафсил таҳлил қилиб, Навоий достонининг тамоман оригиналлигини илк дафъа асослаган эди.

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўққизинчи том, Хамса, Лайли ва Мажнун. Тошкент, Фан, 1992, 311-бет, (мисоллар шу нашрдан олинди).



Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қодирий Чўлпоннинг «Тонг сирлари» тўпламига битган мухтасар мулоҳазасида, бир-икки келтирган мисолидаёқ, шоир шеърларининг гўзаллиги, бадиийлигини, яъни ўз шахсий, изтиробли «йиғилари орасидан «эрк қуёши» барқ уриб кўрингани», «кўз ёшларидан ҳаётбахш чечаклар» унишини алоҳида таъкидлаб, Чўлпонни миллий озодлик шоири сифатида характерлади.

А. Қодирий Чўлпон шеърлари ҳақидаги қарашларини давом эттириб, аввало шоирнинг қалб қўшиғи намуналарига урғу берди. Айни замонда Чўлпоннинг санъаткорлик маҳорати илдизларини бадиийлиги ва миллийлиги билан изоҳлаган.

## НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИДА КЎНГИЛ, ИНСОНПАРВАРЛИК, АДОЛАТ, УЙҒОНИШ ДАВРИ ВА МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ҲИМОЯСИ

М. Шайхзода «Ғаройибус-сиғар» мисолида Навоий лирикасининг жанр хусусиятларини биринчи бўлиб яхши очиб берган, аммо девонни, «маънолар хазинаси»ни ичдан йўғирганига ўз диққатини қаратмаган[1] ва «Чор девон»нинг шоир умри фасллари бўйича тартиблангантанидан шубҳаланган. Ваҳоланки, Навоий ҳар қайси девонини ўз номланишига мувофиқ тузиб, лириканинг барча жанрлари (ғазаллар, мустазод, мухаммас, мусаддаслардан тортиб, таржиъбанд, таркиббанд ва ҳоказолар)ни ўз ичига олган асарларини яратди ва ижоди мағзига «Ҳазойинул-маоний» («маънолар хазинаси»)ни сингдирди ва айни тушунчани ўта камтарлик юзасидан биринчи шахс (мен) сифатида эмас, балки учинчи шахс (ул) тарзида шеърий таҳлил қилди. Натижада улуғ шоир ижодини кўпинча ўз номи ё тахаллуси билан эмас, балки «ул киши» лақаби билан ҳам тақдим этади.

Баёндаги бу хил услубий турлиликдан қатъий назар, Навоий бадиа, бадиий, бадое калималарини «ижод» лафзининг синонимлари сифатида қабул қилиб, маънони («Маънолар хазинаси»ни) «нафосат-гўзаллик мезонидай талқин қилади ва буни бир неча маротаба такрорлаб таъкидлайди:

«Чун ғараз сўздин эрур маъни анго».
...«Сўз ул маънидаким, сўздаги маъни жоне дурурким,
Сўз қолиби онсиз қолиби дурурким жонсиз...»
Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.
Файз ҳаримида тажаллий анга,
Ким ёрубон маъшали маъни анга...
Назмда[2] ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.
Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

(7-том 1991, Ҳайратул-аброр, 61—62-бетлар).

---

[1] Бунда, албатта, айб Шайхзодада эмас, балки уша вақтдаги «партиявий ақидапарастлик» қарашларининг маҳдудлигида ҳам эди — Ҳ. Е.
[2] Навоийнинг назмида.



Бадиийликнинг сероҳанг созидай жаранглаган ана шу «маъно»нинг дебочасиёқ, шоир қалбини изтиробли кечинтирган кўнгул тароналаридан бошланади. Уларни эса «соҳибдилликға мавсуф бўлгон кишидин ўзга киши билмай дурур» (7-том, 1991, Ҳайратул-аброр, 72-бет).

Азалийлик тонгида яратувчи (худо)ни деҳқон деб атаб, унинг танасига руҳ биланоқ кўнгул кирган:

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,
Одамий хокийни гулистони сунъ.
Эсти насими бу гулистон сари,
Сунбулу сарви гулу райҳон сари,
Ким бу раёҳинға етишти футуҳ
Уйлаки тан гулшаниға кирди руҳ.
Эрмас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул.

(7-том, 1991, Ҳайратул-аброр, 72-бет)

Мавлоно соҳиб шахсан ўз кўнглида етилган, аммо умумбашарий майлларни ҳам қамраб олган ва бутун жаҳонга татигулик маънавий қадриятларини шеъриятининг мағиз-мағизига сингдиради:

Буки кўнгул дерсен эрур бу юрак,
Исм кўнгул бирла анча муштарак.
Кўнгул[1] эрур булбули бўстони роз,
Қудс ҳармида бўлуб жилва соз...
Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.

(Ҳайратул-аброр, 73-бет)

Ҳатто мусулмонлар оламининг қибласи бўлмиш Каъба унинг «кўнгул каъбаси»га нисбатан қиёсланади (чунки ҳақиқий имон, худо ёди кўнгулда бўлади). Зотан:

...бу кўнгул[2] қон эрур,
Ё бўялиб, қонаро пайкон эрур...
Ройиҳан[3] жаннати аъло ҳам ул,
Партави мисбоҳи[4] тажалло ҳам ул...
Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,

---

[1] Уз кўнгли, яъни Навоийнинг кўнгли...
[2] Уз кўнгли, яъни Навоийнинг кўнгли...
[3] Ройиҳан — ёқимли ҳид.
[4] Мисбоҳ — чироғ, машъал.

Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси,
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ.

(Ҳайратул-аброр, 73-бет)

Шу «холиққа жилвагоҳ бўлган олийтабъ кўнгул гўзаллиги ё хунуклигидан қатъий назар, турфа йўлларга кираверади.

Каъбаға ҳам қатъи манозил қилиб,
Дайрға ҳам таййи мароҳил қилиб,
Ҳам етибон аҳли муножот аро,
Ҳам тушубон кўйи харобот аро...
Водие қолмай ул анга етмаган,
Қатъида такмили сулук этмаган.

(Ҳайратул-аброр, 73—74-бет)

Навоий ўз «Кўнгул Каъбаси» маънавиятида худо томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган «Каломи шариф» сўзлари мафҳумини тениб турган ўз юрак қони билан йўғириб, ижодий ўзиники қилиб акс эттиришга журъат этади, қодир Аллоҳ дунёни қандай, нима учун, ким учун яратгани хусусида қалам тебратади. Худонинг моҳияти хусусида башорат қилиб, дейди:

Сени топмоқ басе мушкулдурур, топмослиг осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо...

(Учинчи том, 1988, Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. 25-бет)

Навоий доҳиёна башоратини нақадар тафаккур қобиғига буркамасин, кўз ёш тўкиб, жигар қони билан битгани аён бўлиб турибди.

Яккаю ягона парвардигор ва унинг ҳақиқатигина азалий ва абадий эди. У бутун мавжудотларни яратди. Улар ичида энг қадрлиси, етуги ва кўрками инсон эдики, буларни кўнгилдан таважжуҳ этиб, шоир ёзади:

Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни Шариф айладинг.

(Ҳайратул-аброр, 7-том, 1991. 26-бет)

Аммо Худойи таоло ниҳоясиз ўз гўзалликларининг ҳақиқатлигини намоён этиш учун сон-саноқсиз жилваланишлари лозим бўлди. Бу жилваланишларининг



жамъул-жамъини ҳазрат Навоий турлича «сўз санъати» воситаларида ифодалади.

Жилва қилиб узунгга ўз ҳуснунг — ўқ...
Жилваи ҳуснунга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.

(Ўша том. 20-бет)

Шу кўзгулар:

Очти бу гулшанники, рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи чин эрур.
Жилваи ҳусн ўлгали зоҳир анга,
Бўлди бу мирьот мазоҳир анга...

(Ўша бет)

Қатма-қат кўзгулар (миръот) орқали акс эттирилган Аллоҳнинг зоҳирий тажаллийларини Навоий мажозий деб белгиласа-да, мажоздан асл мақсад пировардида ҳақиқий ишқ, яъни Аллоҳ ишқи эканини қалбан тасдиқлади. Зотан у: «...мажоздин мақсуди ҳақиқат изҳор қилмоқ ва сувратдин ғараз маъни эконин» теран ҳис этди. Демак, ҳақиқий ишқдин айри ёлғиз мажозни қабул қилиш «беҳақиқат»лигини; мажозни четлаб ўтиш янада беҳуда уринишлигини бутун вужуди билан сезди:

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар оник,
Қилур мажозни нафйи улки, беҳақиқат эрур.

(Фавойид ул-кибар, олтинчи том, 1990. 512-бет)

Навоийнинг «Кўнгли» «ҳайратлар»га сабабчи бўлган ер юзидаги табиий ҳодисаларни; ақл бовар қилавермайдиган коинот сирларини; маънавий қадриятларга сероб бўлган инсон руҳиятини мажоз воситасида «ҳақиқатқа (Аллоҳга) йўл топиши»ни кашф этади.

Мавлоно ҳазрат бани башарнинг энг олий маънавий, ахлоқий ва бадиий орзу-истакларини, инсон дилининг қаърида сир бўлиб сақланган бениҳоят мул-кўл маънавий-руҳий эзгуликларни худди ўз шахсий кечинмаларидай, юрагига тинчлик бермаган дарду аламлари, изтиробларидай қабартиб акс эттиради.

Навоий хусусан ғазалларида инжа-нозик, нафис, таъсирчан сўз воситасида ўз кечинмаларини шу қадар

бадиий рангдор, эҳтиросли, оловли ифодаларики, унинг эътирофича, «ғазалини ўқуғон улус» кўнглига мунгли бўлса ҳамки, ўзиники (Навоийники)дай оташин руҳий ҳолатни юқтиради, шеърхон қалбига ҳам айни нафосатни ўтказиб, нақшлаб қўяди. Шунинг натижасида маъно ечимига, бадиийликка йўл очади:

Ё бу наво зимнида асраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидин бир ғазал,
Ким анга алфоз ўлуб оташ фишон,
Берса улус кўнглига мунглиғ нишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобо аро ғавғони кўр.
Кўрки нечуклур ёқо чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.
Донаи дур сўзини афсона бил.
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил...

(Еттинчи том, Ҳайратул-аброр, 1991, 60-бет)

Бу сатрларда Навоий ғазалиётининг бадиийлиги (маъноси) хусусида куйласа-да, санъатнинг ҳамма турлари учун муштарак, ажралмас хоссаси бўлган айни маънавий-ижодий қадриятларни лирик турдаги барча асарларига ҳам зўр маҳорат билан сингдиради.

Улуғ ҳазрат хоҳ ҳақиқат ва хоҳ мажозий ҳолисаларни кўнглига ўтириши, таъсир этиши жиҳатидан идрок этади. Буни болалигиданоқ, зийрак ҳис этиб келган. Чунончи, 11—12 ёшиданоқ, Фаридиддин Атторнинг расмий доираларда тақиқланган машҳур «Мантиқут-тайр» достонини тасаввуф руҳида ёзилгани учун эмас, балки ўз кўнглига ёққани, таъсирлантиргани, «маъноси» туфайли бошдан-оёқ ёдлаб олган эди. Унинг самимий эътирофича:

Табъ ул сўзларга бўлғоч ошно,
Қилмади майл ўзга сўзларга яно...
Чун бирор сўздин топиб табъим кушод,
Топсам эрдиким, недур ондин мурод.
Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.

(Лисонут-тайр, Т., 1991, 258-бет)

Мавлоно ҳаттоки Тангрининг азалий ва абадийлигига атаб битган муножотларида ҳам «маъно»га урғу қилиб, шеърхонга эстетик таъсир кўрсатадиган жўшқин таланти эҳтиросини сингдириб ўзлаштирар эди.



Навоий лирикаси умумбашарий ишқ-муҳаббат, севгида вафою садоқат, инсоний меҳру шафқат ва ҳоказо мўл-кўл маънавий-руҳий эзгуликларни ўз юрак-бағрини титратган ҳаяжон билан куйлайди ва ўқиғувчисига етиб боришини кузлайди. У инсонийликни инсонпарварликни ҳам, шахсий ишқ-муҳаббатини ҳам бирдай ичдан кечиниб ифодалайди.

Масалан:

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқилин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.

(Учинчи том, Ғаройиб ус-сиғар, 1988, 32—31-бетлар)

Шоир бу байтининг биринчи сатрида парившни жону дилидан севишини куйласа, иккинчи сатрида шу шахсий ишқини бани башар (одамзод)ни севишидай умумлаштиради. Бунга олам аҳли ҳайрону шоир ҳам ҳайратда.

Яна:

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур, —

(Бешинчи том, Бадоеъ ул-васат, 1990 117-бет)

байтида «ўн сакиз»минг оламда тўс-тўполон кўтаришга қодир ўн саккиз ёшдаги сарвиноз латофати шу тўполонни шеърхон қалбида ҳам бемалол қўзғата олади. Яна шу байтда индивидуал образ (ўн саккиз ёшли сарвиноз) куллийлик (унинг бошидаги ўн саккиз минг олам ташвиши) билан бирикиб, ўқиғувчисида ажабтовур ҳаяжон, ҳавас, рағбат қўзғатади, «маъно сирларини» танитади.

Ер юзини беркитгач, ошиқ (шоир) кўзидан жиққа-жиққа ёш тўкиши қуёш ботиб, кўкда туда-туда юлдузлар чарақлаб очилишига ўхшатилиши шеърхонни ҳайратлантирмасдан, ҳаяжонлантирмасдан қўярмикан!..

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш

(Учинчи том, Ғаройиб ус-сиғар, 1988, 208-бет).

Хуллас, мўъжизавий талант соҳиби ҳазрат Навоий «оташфишон» ижоди сеҳри билан шеърхон ички

дунёсини титратиб ва забт этиб, «маъно» сари етаклади, нафосат туйғусини аланғалатиб, эстетик тарбиясига асқотади.

Навоий мажозий ёрни ўзи сингари қалбан пок, чинакам фидоий машъуқа бўлишини тилайди:

Ёрни дерларки, чекмиш юз жафо мен зор учун,
Бўлса минг жоним фидо айлай жафокаш ёр учун.
Ёрким, ёри учун чекса жафо, бил ани ёр,
Ўлса оздир кимса андоқ ёр меҳр осор учун...
Эй Навоий, йўқ эли оламда ойини вафо,
Ҳақ насиб этти санга, сандa бу маъни бор учун.

(Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб, 1989, 356—357-бетлар)

Навоийнинг талай ғазалларида лирик образнинг ички руҳияти (сийрати) билан зоҳирий тажаллиси (сурати) ўртасида инсоний тотувлик бўрттирилса, аксар образларида уларнинг ботиний нафосати (сийрати) билан зоҳирий кўриниши (сурати) ўртасида кескинлик, зиддият ҳосил бўлиб, теран фожиавий мазмуни очилади.

Навоий яратган биринчи гуруҳдаги ғазалларда ёр образининг зоҳирий чиройи (сурати: ҳусни-жамоли, қошу кўзларининг кўркам ва жозибадорлиги, қадди қоматининг келишган-сарвинозлиги ва ҳоказолар) билан севишганлар ботиний-руҳий олами, инсоний табиати (сийрати)нинг уйғунлиги, «созлиги», тотувлиги нафосат-гўзаллик яратади, «маъно»ни юзага чиқаради.

Буюк Навоий ўзига хос усулда ҳасбҳол шахсий кечинмаларини муаззам коинот, табиат ва жамият ҳодисаларига қиёсан тасвирлаш йўли билан маънавий руҳий гўзалликлар яратибгина қолмай, шеърхонлар ички дунёси йўналишига кучли ҳиссий таъсир кўрсатиб, уни фаоллаштиради.

Навоий ёрни жону дилидан, бутун борлиги билан, ўзини унутиш даражасида, чексиз севишини баралла тараннум этади:

Ишқ ила бўлдим масал, савдо била афсона ҳам,
Шукр лиллоҳким, яна ошиқ мену девона ҳам.

(Учинчи том, Ғаройиб ус-сиғар, 1988, 321-бет)

...Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун,
Менда ҳам Фарҳоду Мажнундин фузун ишқу жунун.

(Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб, 1989, 320-бет)



Шоир мажозий ишқнинг завқи, висол онларининг кўнгулга малҳам сингари юмшоқ ботадиган нашъасини куйлайди. Шунинг баробарида мажозий ёр ҳам кўпинча, ички маънавий оламининг ноқислиги, нораsolиги туфайли, шоир дилини қаттиқ оғритади. Бу ҳол лирик образнинг сурати билан сийрати ўртасида, улуғ шоир «мен»и билан у яратган «севикли ёр» образи ўртасида аллақандай носозлик, зиддият келтириб чиқаради: савобга тўла инсонпарварлик руҳияти билан кажрафтор дунёнинг нотинчликлари ўртасида кескинлик, келишмовчилик туғдиради. Шоир шу хилда замонининг дилпора фожиаси (экилган тоза руҳият уруғларидан ярамас ҳосил униб чиқиши, кўрсатилган яхшиликлар тескари натижалар бериши)ни лирик сознинг аниқ пардаларида янграади.

Висол тухумини эклим, фироқ бар топтим,
Вафо ниҳолини тиктим, жафо самар топтим.

(Учинчи том, Ғаройиб ус-сиғар, 1988, 323-бет)

Кўнглума ёр истабон, меҳнат келурни билмадим,
Жонға етмай ул ҳануз офат келурни билмадим...

(Тўртинчи том, Наводир уш-шабоб, 1989, 292-бет)

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.
Ғам била жонимға еттим ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилситоне топмадим.
Ишқаро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон абруда тузлуқдин нишоне топмадим.

(Учинчи том, Ғаройиб ус-сиғар, 1988, 326-бет).

Бу жигарпора сатрлар Аллоҳнинг энг азиз бандалари саналмиш инсонлар бошидан аримаган катта-кичик фалокатлардан нолишгина эмас, балки инсонийликни, руҳан тозалик-покликни келажакдаги шеърхон авлодлар юрагида ҳам қайта-қайта, мангу яшнатишни назарда тутади.

Шоир ўз кўнгил эҳтирослари, алам ва изтиробларини ифодалашни давом эттирар экан, яна шеърхон қалбига «қўл солишни», унга эстетик таъсир кўрсатишни бўрттиради:

Қоп ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камроқ топилди, гарчи бисёр истадим.
Кимгаким жоним фидо айлаб, соғиндим, ёр эрур,

Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим,
Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб бор истадим,
Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосиға гирифтор истадим.

(Тўртинчи том, Наводир уш-шабоб, 1989, 316-бет)

Лирик ижоднинг ўзига хос мазмуни объектни (олам элида вафо йўқлигини) билишда эмас, балки уни идрок этувчи (акс эттирувчи) субъектнинг айни ҳақиқатни «кўнгул»дан кечиниб, баркамол одампарварлик ҳиссиётини «қалб қўри» билан яшнатиб, шеърхон кўнглига ҳам айни оловли нурларни сочишида.

Шундай қилиб, ижодий жараён асносида санъаткор ўз асари билан шеърхонга руҳий таъсир ўтказибгина қолмай, уни ўз ижодининг узвий булаги сифатида ишкишоф эттиради.

Ҳазрат Навоий ўз руҳий камолотининг устиворлигига тўла қаноат ҳосил қилиб, у билан элу юрти, улуси руҳиятини созлашга саъйи этади, ўз шахсияти «жавоҳир»ларини кашф қилиб, уларни эл-халқ билан баҳам кўриш ва унга етказишга эришади:

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам[1]

Шу тарзда Навоий ижодхонасида лирик образнинг ташқи ҳолати-зоҳирий сурати (танаси-жисми) ва айни образнинг ботиний қисми (жони, руҳи) шоирнинг «оташфишон» ички шахсий кечинмалари билан тобланиб, қайта ишланиб, янги сифат, янги мазмун касб этади, ноёб қуйма, тугал образ яратилади, улуғ Навоийнинг жаҳоншумул, муаззам инсонпарварлик истеъдоди замирида ижод қилинган туркона миллий шеъриятини бутун дунёга ёйди ва танитади.

Бағри гоят кенг Навоий лирикасининг «Таржиъбанд» жанрида собиқ зардушт дини қаноти остида ажлодларининг неча минг йиллаб тарбия топиб келганини «харобот» образида гавдалантирди. Гап шундаки, май тақиқланмаган, аксинча бемалол истеъмол қилинаверадиган оташгоҳлар (дайр) маросими тасвирида Навоий «дайр пири»га кўнгилдан илиқ хайрхоҳлиги ва севгисини изҳор этади:

Булай дайр пириға андоқ мурид,
Ки ёд этмайин шайҳул-исломдин.

---

[1] Бу ибора матни Иброҳим Ҳаққулнинг: «Шеърият—руҳий муножот» китобидан олинди. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 155-бет.



Кирай дайр аро уйла мажнуну маст,
Ки кетсун хирад хос ила омдин.
Солай бир алоло харобот аро,
Ки чиқсун фиғон аҳли айёмдин.
Хароботий ўлмоғлиғим, зоҳидо,
Савол этма мен зори бадномдин...

(Биринчи том, Бадойиъ ул-бидоя, 1987, 602-бет)

Алишер Навоий VII—VIII асрлардан бери ўта мутаассиб мусулмон руҳонийлари томонидан шафқатсиз қувғинга учраб келган зардуштий дини авлодларини ижодий паноҳига олади: «Муғ» деб аталиб келган Харобот аҳли ва зардуштий вакилларини ҳақоратлашларига тобу тоқат қилолмайди. Ахир алла замонлар уч ярим минг йиллан зиёд даврон сурган унинг узоқ аждодлари ҳам зардуштийлар эди-ку! Уларни ёдга олмай, арвоҳларини ҳурматламай, чирқиллатиб бўлармиди? Йўқ, албатта. «Навоий «Харобот аро» туркумидаги «таржиъбанд»ларида айни кечинмаларини берадигина эмас, балки улар билан шеърхонлари қалбларини ҳам ларзалантиради, харобот аҳли бошига тушган фалокатларни худди ўз дарду аламларидай ҳис эттира олади.

Негаки:

Дин офати бир муғбачаи моҳилиқодур, майхораву бебок,
Ким ишқидин анинг ватаним дайри фанодур, сармасту
яқом чок.
Ҳам турраси̇нинг дуду вараъ[1] белига зуннор, мен кофири
ишқи,
Ҳам юзи мажус ўти кеби шуъла физодур, мен ўртанибон
пок.
Ул чеҳра фуруғи тушубон зор танимға, бир навъ куярким,
Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур ўт ичида хошок...

(Тўртинчи том, Наводир уш-шабоб, 1989, 473-бет)

Аммо шоир, бир томондин, Харобот аҳли майини синқориб, улар билан юзма-юз, апоқ-чапоқ ҳамдардлашиб кетолмайди. Чунки май сафоли аллақачон синган. Иккинчи томондан, улар билан узоқ муддатдан бери давом этиб келган сийҳий робитани бутунлай кесиб ташлолмайди, икки йўл орасида ўралиб чирпинади: чигал, қоришиқ, тоб-тоқат қилиб бўлмайдиган, иложсиз руҳий ҳолатларнинг барча азоб-уқубатларини бошидан кечиради ва оқизмай-томизмай шеърхон қалбига ҳам ўзиникига монанд нафосатни юқтиради:

---

[1] Вараъ — тақводор



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Назар айла бу коргоҳ вазъига,
Ки ортар тамошосида ҳайратим,
Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим.
Не касби улум этти ҳал мушкулим,
Не пушти илик тақвиго тоатим...
Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим...
Менинг бошима бас қоттиқ тушти иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.
Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол.

(Биринчи том, Бадойиъ ул-бидоя, 1987, 609—610-бетлар)

Навоий ижод жараёнининг ҳал қилувчи марраси бўлмиш шеърхон кўнглига азоб-уқубатли кечинмаларни сингдиради.

Алишер Навоий «...тўрт девон овозасин бутун дунёга етказганимдан сўнг «Хамса» панжасига панжа урибман» деяр экан, даставвал «Ҳайратул-аброр» достонини яратганини қайд қилган эди. Достон санъаткорнинг айни муддаосини мукаммал амалга оширибгина қолмай, балки шу асар яратилганга (1483-йилга) қадар бўлган ўз бадиий ижодининг қомусий низомини тузиб берадики, атоқли адабиётшунос олим Азизхон Қаюмов мазкур достон талқинини тўлиқлигича, муфассал ёритиб, айниқса «сўз таърифида...», «...сўз ул маънида...», (XIV-XV) бобларининг сирли, ботиний, нозик-нафис маъносини чақиб, ёркин гавдалантириб берди.

Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг XIII мақолатини халққа, халқпарварликка бағишлади. Халқни севувчиларни «саҳоб-булутдек фойда етказувчилар» деб атади, элу юрт ва улус манфаатлари йўлида заҳмат чекувчи фидокор инсон фаолиятини «кумуш сочувчи тонгга» тасвирлаб, халқпарварлик оҳангини авж пардаларида жаранглатди:

Эй бўлубон субҳ киби сиймпош,
Меҳринг ўлуб ом нечукким қуёш!
Субҳ киби халқ юзига кулуб,
Чарх киби эл бошига эврулуб...
Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур...
Ўлки зарар шевасини тавр этар,



Элга демаким, ўзига жавр этар...
Эйки наби қавли била шод сен,
Элга зарар хавфидин озод сен...
Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ гамидин гами...
Ўлки бу ахлоқ ила айлаб хиром,
Етса жафо айламагай интиқом,
Балки қудурати сафо айлагай.
Неча жафо етса, вафо айлагай.
Они башар ҳайлининг инсони бил.
Одамийлар одамийси они бил.

(Еттинчи том, Ҳайратул-аброр, 1991, 233—234, 238, 240, 242-бетлар)

Шу тариқа халқпарварлик инсонпарварлик майллари билан туташиб, бирикиб кетади.

Навоийга кўра, тангри подшоҳларни шунинг учун яратганки, улар «мулк бўстонини сероб қилгай, то бу бўстонда амният ва фароғат гуллари очилгай». Ҳақ таолонинг «сояи рафъати»га, «тахти хилофоти»га сазовор бундай одил ҳукмдорларнинг, аксинча, элу юртига, раиятига кеккайиб, паст назар билан қарайдиган ўзбошимчалари ҳам кўп учрайди. Шоир ундайларни огоҳлантириб дейди:

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен...
Эрмас алар тупроғу сен нури пок,
Хилқат аларгау сенга тийра пок...

(Еттинчи том, Ҳайратул-аброр, 1991, 122-бет)

Тангри салтанатда сенга, имтиёз бериб, сарафроз этганлигининг боиси шундаки, раият бамисоли галаю сен шубонсан, ёки сен боғбону у мевали дарахтзордир.

Башарти:

Қўйини шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.
Боқмаса деҳқон чаманни туну кун,
Нахли тарин англа қуруғон ўтун.

Шундай экан:

Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил.
Ғам есанг ул гала манофиъ берур,
Боғ гулу меваи нофиъ берур.

(123—124-бетлар)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Навоий раият ғамини емаган жоҳил ҳукмдорнинг қилмиш-қидирмишидан зардаси қайнаб, ошкора бонг (довул) қоқади:

Эйки, қавий айлади давлат қулунг,
Зулм сори тушти ва лекин йулунг...
Қасрки, базм анда муҳайё булуб,
Зийнати фирдавси муалло булуб,
Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин.
Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.

(125—126-бетлар)

Ғиштлари масжидларникидан, тошлари халқ мақбараларидан бузиб тикланган «шаҳаншоҳ» саройида кундуз демай, тун демай, «айшу тараб» базмлари сурункасига қайнайди: уларда нафс нима хоҳласа бор эмас, минглаб топилади: қари ё йигит булмасин, май ичавериб, қутурган итдай телба ҳаракат қилади:

Ҳар куни бу шанъат[1] ила тунгача,
Ҳар кеча бу ғафлат ила кунгача...
Очибон элга ситам абвобини,
Қилғали пайдо тараб асвобини...

(127—128-бетлар)

Навоий ҳатто ахлоқи бузуқ ярамаслар муҳити ва кишиларини зулмни тарк этишга даъват этганидан сунг Шоҳ Ғозий (Ҳусайн Бойқаро)нинг қаҳрамонлиги, одиллиги, шариатпаноҳ ва фуқаропарварлиги, қолаверса, жанг ҳаракатлари тасвири ва таърифига утади.

«Андоққи ғозий шаҳи фархунда бахт» бир безори дайди вайрон қилган экинзорни тез орада ошигич тиклаб, обод қилиб, тахт учун кураш ва давлатни мустаҳкамлашга киришиб кетади:

Юз ики юзча киши бирла қазоқ,
Гаҳ ери Хоразм эди, гаҳ Адоқ.
Новаки душман юрагин қон этиб,
Тиғи адув бошини паррон этиб...
Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ултурдию дод айлади...

(129—130-бетлар)

[1] Шанъат — ёмонлик, хунук иш, ярамас қилиқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ



Бидъату фисқ аҳлини четлаштириб, шариатнинг адолатли қулини забардаст қилди. Бир кун сайрга отланганида, дармонсиз бир кампир унинг этагидан маҳкам тутди ва нолаю афғон чекиб, оҳ тортиб деди: «Эй шоҳи шариат паноҳ! Агар шариатга риоя қилиб, адолат билан иш қуриладиган булса, мен сен билан даъволашаман. Шарт шуки, қаҳринг келмасин, саволларимга шариат маҳкамасида жавоб бергайсан.

Шоҳ рози булди. Ислом қозихонаси ҳузурига равона булдилар. Қозихонада бошидан кечирганларини сўйлаб:

Зол дедиким: Қазоқ эрканда шоҳ,
Тиг чекибким чекар эрди сипоҳ.
Бор эди мен тулға жигар гўша-э,
Бал жигарим мазраидин хўшаэ.
Боғим аро сарви сиҳи шева ул,
Балки қуруқ нахлим аро мева ул.
Шоҳ қиличи жигарим қилди чок,
Ул жигарим порасин этти ҳалок.
Тиг ила ёриб жигарим ёнини,
Ерга оқизди жигарим қонини,

(130—131-бетлар)

Қози воқеадан хабардор ҳамма гувоҳларни чақиртириб, бирма-бир тинглаб, уларнинг шоҳидлигида пайғамбаримиз шариатига мувофиқ адолатли ҳукм чиқарди, зол кампир талабларини тула-тукис қондирди:

Қози улуб адл ҳаримига хос,
Қилди равон ҳукм: дият[1] ё қасос.
Шаҳ деди: «Шаръ этса бу янглиғ адо,
Шаръи наби ҳукмиға жоним фидо»
Еглиг ила боғлади буйнини руст,
Юз ҳамённинг доғи буйнини суст.
Тиг бериб золга беваҳму биим,
Бир сори доғи тўкубон ганжу сийм.
Деди: «Қисос айласанг олингда бош,
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош...

(131-бет)

Зол шариатга бутунисича фидоий шоҳнинг одилона тадбирига таяниб, аввалги («Хунга-хун») даъвосидан ихтиёрий равишда воз кечди.

[1] Дият — хунпули, бировни улдирганлик учун туланадиган пул (ҳақ).

Турфа буким, хиерави одил ани,
Адл ила ул даврда айлаб ғани...

(132-бет)

Навоий кекса дунёда ҳар қанча алам тортмасин, шоҳнинг адолатига чин кўнгилдан ишонади:

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шаҳ чу қилур адл, Навоий, не ғам.

(ўша бет)

Навоий Ёдгор исёнини бостирди, Астробод четарасида тартиб ўрнатди; Дарвеш Али, Бадиуззамон билан давлат ўртасида чиққан низоларни тинчитишга аралашди. Темурийлар давлатини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, уни адолат негизи асосида қуриш учун шоир олиб борган амалий ишлар унинг шеъриятида ҳам эпик ва лирик шаклда акс этди; адолатсиз подшони Баҳром, адолатли подшони Искандар образи орқали гавдалантирди. Шоир лирик қаҳрамони ҳам эпик қаҳрамонлари руҳида бўлган ҳамма инсоний, ижтимоий-сиёсий туйғуларни ўзига хос ифода қилган.

Навоий давлат манфаатларини ҳисобга олиб, вазият тақозоси туфайли, ҳатто ҳаж қилишдан қайтишга ҳам мажбур бўлади. У, иккинчи девонида айтишича, зулм икки хил бўлади. Бири оиладаги зулм, у икки совғалар қилиш билан бартараф қилинади; иккинчиси жамиятдаги, ижтимоий зулм, унга адолат ўрнатиш орқали барҳам берилади.

ummatovs@internet.ru

24/15

# ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИЛИК ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ

Чўлпон «Қаландар» имзоси билан 1916-йилдан 1917 йилга ўтар кечаси «Узбеклар ҳам Туркистон» деган савол-жавоб тариқасида битилган шеърида бир замонлар дунёнинг катта бир қисмини забт этиб, улуғ маданият яратган, илм-маърифатни равнақ топтирган диёр — Туркистоннинг кейинги асрларда ўзбекларнинг[1] марказлашишга қарши бўлган ҳаракати туфайли, инқирозга юз тутиб, нифоқ кучайиб кетганини аламу изтироб билан сўйлайди.

«Узбеклар бор нуқсонларини, алалхусус иттифоқсизликларини рўйи-рост тан олиб», «улуғ Туркистон»га: «Энди бизларга ёрдамчимиз бўл, ...инқироздан қутқар», дея ёлворадилар... У «учли бўрки»ни бошига кийиб, «Деди: турунгиз, бирга бўлунгиз».

Ғарб сафарина бирга юрунгиз.
Кетдилар бирга, йироқ сафарға,
Худо йўл берсун Туркистонийларға.
Оқ буз отини минди Туркистон,
Сувсиз саҳролар бўлди Гулистон.
Белида (камар), қўлида байроқ,
Улуғ Туркистон, йўлинг бўлсин оқ.

«Қаландар».

Шоир — Қаландар улуғ Туркистоннинг янги зафарларига, парвозига, Ватани шон-шавкатини, «Ҳайрот ишларининг ...зўр неъматларини» қайта тиклашига зийрак ўқугувчисини ишонтиради. Чўлпон Октябр инқилоби»дан яхшиликни, озодликни кутди, лекин инқилоб» мустамлакачиликни рўпара қилди. Чўлпон 1918 йилдаёқ, Тошкентда Русия телеграф агентлиги (Руста)[2]нинг Туркистон бўлимида муҳаррирлик қилиб, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва Ғози Юнуслар билан бирга ишлашди.

Ундан сўнг Қўқон, Тошкент ва Бухоро матбуотида

---

[1] Узбеклар — Қипчоқ даштидан келган туркий тилли уруғлардан бири.

[2] «Руста»нинг Москвадаги Марказий идорасида шундай вазифани шоир В. Маяковский бошқарар эди.

ҳамкорлик қилиб, 1924 йилда Москвада Маориф уйи ҳузурида очилган студия ташкилотчиларидан бири бўлиб, унда эмакдошлик вазифасини ҳам ўтади. У доимо янги инқилобий тузум ва давлатнинг содиқ фуқароси сифатида ўзбек маданияти, санъат ва адабиётни ривожлантириш борасида тинимсиз, фаол ишлади, рус адабиётидан ва рус тили орқали Ғарбий Европа ва Шарқ халқлари тилларидан талай таржималар қилди. Шу каби ишлари билан ҳам миллий маданиятимизнинг олға босишига, равнақига қўшган ҳиссаси беҳисобдир. Шунингдек, у Навоий лирикасининг бадиийлик сирру асроридан озми-кўпми хабардор бўлиб, ундан ижодий истифода этиш ва ўзлаштиришга уринишида Аллоҳ ато қилган фитрий (туғма) салоҳиятини кашф этишда муваффақият қозониб, ўзбек халқининг миллий ифтихорига сазовор бўлади. Энг яхши шеърлари намуналарида, ўз шахсияти камолоти Навоий таъбири билан айтиш жоиз бўлса, башорати туфайли ўзини «эл руҳиятига дохил бўлгандай» сезади, лирик жанр моҳиятининг янгича миллий талқинига эришгандай бўлади. Чўлпон Навоийнинг миллий (туркийгуйлик маъносида) лирик анъанасининг сон-саноқсиз ҳамма турларини эмас, бошлича бир турини ўз талантига хос усулда ўзлаштирди. Лирканинг бу турида шоирнинг бир лаҳзали, ҳаяжонли, таранг умумлашган руҳий ҳолатлари ўз аксини топади. Шоир руҳиятидаги маънавий тўлқинланишлар, кўтаринкиликлар, турли-туман кайфиятию қайноқ кечинмалари ифодаланди.

Улуғ Навоий «хуш табъ, идроки тоза» туркий элларнинг бирлик сари қилган тарихий ҳаракатини худди ўз кўнглини безовта қилган дард-алам ва қайғуларидай ижодий ўзлаштирган эди. Чўлпон миллий қудситлар ни жўн синфий айирмалар, синфий кураш ва низолар билан алиштириб, партия ҳукмронлиги ақидасининг миллатларни парчалаш, пароканда қилишга бўлган иродасига қарши кўзғолган миллий қайта уйғонишини худди ўз руҳий безовталанишидай акс эттирди.

Бошқача сўз билан такрорласак, Навоий лирикаси учун қамрови ҳудудсиз, умумбашарий маънавий-руҳий қадриятлар ва туркона хуштабъ завқу шавқ гўзалликларини, Чўлпон лирикаси учун эса ўзбек (ва Шарқ) халқлари миллий уйғониш ҳиссиётларини баайни ўз шахсий кечинмаларидай куйлаш ва ифодалаш характерлидир.

Навоийда умумбашарий ва туркона, Чўлпонда эса ўзбекона ва Шарқона миллий руҳий кечинмаларни худди



«ўзлариникидай», яъни ўзларигагина хос оташин илҳом қуввати ва ҳарорати билан шеърхонлар кўнглини забт этиш, демакки бадииятига йўл излаш кўзга ташланиб туради.

Чўлпон инсоний майин, ўзбекона нозик ҳиссиётларни тизма ва сочма миниатюр лавҳаларда чизиб берган мўъжаз асарларининг лириклик даражасини очиш мақсадида уларни таҳлил ҳам қилди, тадқиқот чиғириғидан ўтказди, «Йўл эсдаликлари»[1] сарлавҳали таъсирчан адабий очеркида шу вазифани ҳам бажарди.

Аммо «Йўл эсдалиги»нинг асил қиймати шулар билан чекланмайди. Унда Чўлпон «Хаёл» тушунчасига таяниб, ўз ижоди учун муҳим аҳамиятта молик бўлган нафосат муаммоларидан бирини ҳал қилишга уринди. У бир неча шеърининг таҳлилида хаёлнинг ижодий топилмаларни кашф этишдаги бадиий вазифасини кўрсатиб берди. Шу сабабдан мазкур «эсдалик» устида муфассал тўхташга тўғри келади.

Очеркни шоир «кўнгилсиз» сафарга отланиши тасвиридан бошлайди:

«Узаттувчи йўқ.

Узим ёлгиз...

Энг яқин дўстларимдан деб ишониб юрган кишиларим «хайр»дан бошқани билмадилар... Кўнгилсиз, тушкун руҳ билан чиқиб кетдим. Ёлғизлик, ўрганган ердан айрилиш оғирлиги бир озгача мени эзиб борди, бир озгача қийналдим. Бир оздан сўнг эски танишим — «Хаёл» кўмагимга етди...

Хаёл, гўзал хаёл, қара мен сенинг тўғрингда илгари нима деб эдим:

«Хаёл... Хаёл... ёлгиз гўзалдир,
Ҳақиқатнинг[2] кўзларидан кўркамен:
Хаёлдаги юлдузларим, амалдир,[3]
Оловимни алар учун ёқамен.
Гўзал хаёл, кел бошимда гул ўйнат,
Меним эсрик тилагимни эркалат!..[4]

[1] Шерали Турдиев. Чўлпоннинг «Йўл эсдалиги» адабий очерки илк дафъа «Билим учоги» жаридасида (1921 йил, № 23) 1921 йил 27 май санаси билан нашр этилганидан дарак беради. Очеркни у «Йўл эсдаликларидан» деган сарлавҳа билан нашрга тайёрлаб, «Халқ сўзи» рўзномасида (1991 йил 13 феврал, № 31) эълон қилиб, гоят хайрли иш қилди.

[2] Чўлпон бу ўринда «Ҳақиқат» калимасини воқелик, борлиқ (действительность) маъносида қўллаган.

[3] Амал «тилак» маъносида.

[4] 1921 йилда ёзилган бу олти сатрли қитъа 1924 йилда «Гўзал ёзгичлар» деган адабий хрестоматияда, кейин «Яна олдим созимни» тўпламида (1991, 404 с) босилган.

Чўлпон жуда тор доирада бўлса ҳам, Навоий сингари, тарихий — адабий манбалар, афсона ва ривоятларни, ижтимоий ва табиий ҳодисаларнинг бевосита кўнглига яқинларини танлайди, уларни «ўзиники» қилишга, ичдан кечинишга, ўз «бадиий олами»нинг жузъига айлантиришга, яъни ижодий ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Ҳаётни бундай бадиий акс эттириш фақат шоир руҳияти ва шуури жабҳасида ихотасиз хаёл воситасида юзага чиқади. Чўлпон: «Хаёл, ёлғиз хаёл гўзалдир. Хаёлдаги юлдузларким (осмондаги юлдузлар эмас), амалдир» — дер экан, хаёлнинг беназир ижодий-бадиий вазифасини тасдиқлайди. Хаёл шоир илҳомининг эгизак бўлган маънавий ҳамроҳидай гавдаланади. Хаёл серқатлам лирик образ таркибида шоир кашф этган руҳий кўнгил қадриятларини акс эттиради. Шоир инқилобий тўнтаришлар натижасида келиб чиққан қонли вазиятни-ижтимоий, миллий низо ва вайронагарчиликларни руҳият ойнаси бўлмиш хаёлида тасаввур этиб, мавжуд «ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқаман» дейди. У яна хаёлга мурожаат этиб, «руҳан» уйғонишнинг, кўнглидаги «истак»[1] — тилакларини эркалатишни орзу қилади.

Хаёл оғир пайтларда шоирни тушкунликдан халос этади. «Уйдан кўнгилсиз чиққан эдим», — деб ёзади муаллиф. — Кўнглимни ёлғизлик, ётлик туйғулари айлантириб олган эди. Хаёл келди ва мени бу қийинликдан ҳам қутқазди».

Шоир хаёли замон ва макон (масофа) бўйича қанот ёзиб, эркин, жадал ва тез парвоз эта олади. Шоир табиат ҳодисалари, жонсиз нарсалар, набототу жонворларгача ўз кўнглига яқин руҳий фазилатларни уларга ҳам сингдиради. Баъзан табиат ҳодисаси, чунончи қоронғилик шоир кўнглида нохушлик, ғашлик қўзғатади. «Қоронғилик, — дейди у, — менинг умид билан порлаб борган кўнглимни ўзининг қўрқинч қучоқлари орасига олиб учирмакчи бўладир, кўнглим эса «хаёл»нинг кўкидан тушгиси келмасди, қоронғиликка саноқсиз қарғишлар юборар эди». Қоронғилик

---

[1] Шерали Турдиев нашрга тайёрлаган «Йўл эсдаликлари»дан вариантида «истак» сўзи «эсрик» деб берилган ва бу аслига тўғрироқ кўринади. Негаки «тилак»ка маънодош «истак» сўзига нисбатан сархушлик ҳолатини билдирувчи «эсрик» сўзи шоир тилагининг ёқимлилигини таъсирчанроқ ифодалайди.



ёруғлик каби антонимлар шундай теран тушунча касб этадики, хаёл илдизлари қадимий, дуалистик, зардуштий, афсонавий руҳият (ёвузлик — дев, иблис ва ҳоказо; ёруғлик эса эзгулик-фаришта, малак ва шу кабилар) образларидан сут эмиб ризқланадилар. Тасвирга олинган ҳеч нарса, ҳодиса, ўсимлик ва жонивор йўқки, шоир кўнглида қандайдир гўзаллиги ё хунуклиги жиҳатларидан жонлантирилмаган, кечинмасига кирмаган, рағбат ё нафрат қўзғатмаган бўлсин:

«Тоғ бошида кўкмак супада қизил лоладан кўрпа ёйиниб ётган «Сабо»нинг турганига, сочларини ёзиб учганига далаларда ёввойи гул, боғлар ва чаманларда экма гулларнинг исларини искаб, ашула қилиб, қўшиқ айтиб ўтганига аллақанча чоғ бўлган эди...

Хаёл аралаш томошоға тўлгон кўзларим олдида ужмоҳ манзараси очилди.

Қипқизил лола-қизғалдоқ денгизи!..
Лола гулнинг кенг денгизи кўринди.
Қизил туси хаёлимдай йиғилиб,
Танларимга ипак янглиғ уринди.
Кўзларимга қизил тусдай ингичка,
Юмшоқ парда секингина тортилди.
Ушал чоқда кенг кўргувчи кўзларим,
Кўрмак бўлгон истагимга тор келди...

Қизил лолалардан бириккан денгиз кенг эди... Қизил денгиз — севги.

...менинг севгим йўлимда учраши севгимнинг умидли, соф, оппоқ эканлигини кўрсатар эди».

Тоғларчи?! «Менинг севгим каби, йироқдан чиройлик бўлиб кўринган ва бу кичкина деб ўйланилган тоғлар, яқин етгач, дев гавдасидай кенгайган, ваҳмдай ўсган эди...»

Шоир гуллар, лолалар, капалаклар севгисини дилига қаттиқ тугади: «Тоғнинг ёнидан ўтиб борганимизда капалак кўкатлар орасидан ғизиллаб учиб чиқди. Худди меним ошиқлигимни билгандай, меним теразамга қараб уча бошлади... Ул меним теразамнинг ёнидаги ин устига қўнган эди. Ул сўйлагандай бўлди, тиллангандай, сайрагандай бўлди. Чиндан-да ул менга гуллар билан ўпишганлиги тўғрисидаги ўйноқи эртагини...», «лола ошиқи» бўлганини айтиб берган эди.

Ижодкор юртининг кўз ўнгидаги ва афсонавий

манзаралари севги билан лиммо-лим тўла, улар севгисини шоир руҳиятини қамраб олган муҳаббатдан ранг олиб жилваланади. Аммо буюк табиатга тез-тез даҳшатлар қулага ташлаб туради:

«Тоғларнинг энг бошига олбости ўлтиришидек бир ўлтуруш билан қупқуруқ — қора тошлар ўлтирғонлар. Уларни кўрганда гуё, бу қора нарса кўкдаги энг юзи қора олбостиларнинг бири бўлғондир, малаклар, фариштаaларни ўзининг хунукликлари билан туйдиргоч, улар кўтарганларда тоғ устига ташлоғонлардир; бу эса тоғ устига юқори кўкдан торвойиб тушиб ўлтуриб қолғондир, ёни-беридаги, теграсидаги, пастлардаги майда-қора тошлар унинг суюқ гавдасидан синиб тушган ошиқлардир, демак мумкин.

Олбостиларнинг пастида ва баланида қора лочин, юзи қора сор, йиртгувчи жўзахот юрадир. Кучлик қанотлари билан ҳавони ёриб, ўткур кўзлари билан «қурбон» истаб борадир.

Тавфиқ Фикратнинг:

«Дин шаҳид истар, осмон қурбон,
Ҳар замон, ҳар тарафда қон, қон, қон!»

дегани бошқа нарсага бўлсада, мен шунга ҳам ўхшатмоқчи бўлдим... сорлар, жўзахотлар ва лочинлардан пастдарак гуруллаб учган бир гўзал қушгина меним қўрққан кўнглимни озроқ юпатар эди...»

Капалак, шоир каби лола ошиқи. Улар чин севгида бир-бирларидан қолишмайдилар. «Мен-да, — ёзади шоир, — ўзимнинг қизил лоламни тушунган, унинг юмшоқ юзларига иссиқ эринларимни югуртган, тополмоғонлигимдан капалакдан уялиб, бошимни экан эдим...»

Чўлпон хаёлан жонсиз мавжудотларни ҳам севгидан маҳрум этмайди. Уларнинг занжирбанд туташиб кетган севгисини эркалаб, эъзозлаб, ўз дили ҳарорати билан илитиб, инсоний қадрияти даражасига кўтаради. Зарафшон дарёси «Улуғ ва ҳайбатли тоғлар ошиқидир... Қуёш унинг севган гўзалидир. Қачонким, қуёш кулиб қараса, ошиқ тоғ чидай олмайдир, эрийдир, кўз ёшларини оқиза бошлайдир; шу кўз ёшлари пастда биргалашиб, Зарафшон деган дарё бўлурлар. «Зар» тоғ



ошиқнинг кўз ёшларидир, дарё ўшал «зар» кўз ёшларини сочгувчи»дир.

Кўз ёшлари ўзлари ҳам ошиқдирлар. Уларнинг суйгинлари зўр денгиздир.

Зарафшон ишқдир...

Чўлпон хаёлан табиат манзараларининг деярлик барчасида ишқ ва ошиқлик мужассамлигини тасаввур эта олган:

Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, қуёш ишқ,
Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, тенгиз ишқ.
Маъшуқалар кула-кула қочарлар,
Ошиқлари йиғлай-йиғлай чоборлар.
Ўзларини ҳалокатга отарлар,
Баъзилари тилакларга етарлар
Кўпларида ерга сингиб кетарлар...

Ўз севгисининг абадий-мангулиги, битмас-туганмаслигини у шундай таърифлайди:

«Менинг севгим — абад билан тутошқон,
Азал билан қучоқлошқон, ўрошқон,
Унинг бордир: кундузлари, тунлари,
Ерулиги, қоронғиси булади —
Борчасида ўтатурғон нарсадир,
Бироқ ўзи манги бўлғон нарсадир!

Шоир «Йўл эсдалиги»нинг муқаддимасида улуғлаган «...гўзал хаёл»нинг «ўқугувчи» хаёлига ҳам фаол ва жозибалор таъсир кўрсата олишини қўллаб-қувватлади.

Чўлпон лирикаси учун ҳам аввало ўз руҳияти оламини бадиий тадқиқ этиш характерлидир. Бу вазифани у объектив воқеликни, жамият ва инсонлар ҳаётидаги коллизияларни ўз руҳиятида қайта кечиниш, кўнглидагисини қалб қони билан йўғириш туфайли амалга оширади.[1]

[1] Чўлпоннинг Садои Туркистон «газтаси» (1914 й., июн сони)да «Адабиет надур?» деган мақоласи босилиб чиққан. Бу мақола «Ўзбекистон адабиети ва санъати» ҳафтаномасида (1992, 13-март, II-сон) Рустам Тожибоев томонидан қайта нашр этилган. Яъни Чўлпон муаллиф ўша мақоласида илк дафъа, жун, ибтидоийроқ шаклда булса ҳам, адабиетнинг ўзига хос икки жуда муҳим хусусиятини қайд этди. Биринчидан «адабиет халқга руҳ беришини, «маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шу қадар... керак»лигини таъкидлади. Иккинчидан, киши «ўз ичига сиғмаган ҳасратларини ... қайғусини... тўп-тўғри айтганда ул қадар таъсир қилмас»лигини, аммо «Адабиет билан айтганда, албатта таъсир қилиши»ни, яъни, бизнингча, эстетик табиатини тўғри белгилади. Лекин адабиет олдига қўйган бу талабларини Чўлпон инқилобдан кейинги лирик поэзияси тажрибасидагина тўлиқ амалга ошира билди.

Чўлпоннинг эрксевар миллий руҳияти лирик образнинг зоҳирий сувратини йўғириб, яна унга ичдан ҳам таъсир ўтказади. Шоирнинг 1918 йилда ёзилиб, илк дафъа «Ўзбек ёш шоирлари» тўплами (Т. 1922)да нашр этилган. «Мулланур Воҳидов[1] руҳига бағишланган «Шарқ нури» шеъри худди шундай ижод намуналаридан биридир. Чўлпон Мулланур Воҳидов руҳи (арвоҳи)ни хотирлашда унинг сўнгги дамлардаги инқилобий фаолиятига мунаққидлар томонидан берилган характеристикаларни бутунлай четлаб ўтади, уни на «машҳур татар коммунисти» ва на «татар халқининг инқилобчиси» сифатида таърифлайди».

Чўлпон мазкур шеърида М. Воҳидов руҳияти билан ўз руҳиятидаги яқинликни, шарқлиларни мустамлакачилик зулм-асоратидан озод қилиш тўғрисидаги ўз тилаги билан уники·ўртасидаги муштаракликни лирик йўсинда ўзлаштирди, яъни ўзининг озодбахш руҳий қадриятларини уники ичига едуриб, «ўзиники» қилиб, ижодий-бадиий акс эттирди. Лирик образнинг суврати (Масалан, Воҳидов арвоҳи) унинг сийрати (шоир ижодий талқини) билан бемалол уйғунлашиб, узвий бутунликни ташкил этди. Шонли тарихда оламшумул маданият яратган Шарқ халқлари фуқароларининг эркинликлардан маҳрум этилиб, мустамлакачилик асорати ва азоб-уқубатларига дучор қилинганини ўз юрагидан отилиб чиққан чексиз қайғусидай тараннум айлайди:

Бир замонлар ер юзинда ўз бошли
Улуғ, шонли маданият туғдирғон
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон
Бўлди четлар чангалида кўз ёшли...

Сўнг шоир Шарқ халқларининг миллий озодлик сари уйғониш ҳаракатига «улуғ нур сочган» Мулланур руҳиятини юксак тақдирлаб ва зўр ишонч билан улуғлаб, унга мурожаат этади.

Ҳатто у Мулланурнинг Шарқ элларини мустамлака қуллигидан озод этиш йўлида қилган хизматлари салмоғини баланд қўйишга журъат этади:

---

[1] Азиз Лазиззода «Чўлпон ким эди?» мақоласида Мулланур Воҳидовни «1918 йили «Қизиллар сафида курашиб», «оқлар» томонидан ваҳшиёна ўлдирилган машҳур татар «коммунисти» сифатида танитади.

Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» (1991 й.) номли сайланма асарларини тўпловчилар «Мулланур Воҳидов (1885-1918) татар халқининг инқилобий йиллардаги йўлбошчиси» деб изоҳлайдилар (560 с.).



Бироқ, Шарққа қутулишнинг йўлини
Кўрсаткувчи улуғ доҳий сен эдинг,
Сендек киши Шарқ элига тансиқди...

Чўлпон лирик образлари мазмунида ўз руҳияти, қалбини изтироблантирган реал ҳолат ҳодисалари, жумладан мустамлакачилар зулми остида эзилиб келган ўзбек (ва Шарқ) эллари тўла эркинлик-ҳуррият, адолат, мусовот сари интилишлари ўз акс садосини топади. Шоир реал факт ва ҳодисаларни, халқ онгининг ўсиши ва маънавий кўтарилишини ўз шуури ва руҳияти дебочасида қалб қўри ва ҳарорати билан обдон етилтириб, ўз виждони овозидай жаранглатади; фуқаропарварлигини, элу-юртга бўлган севги-садоқатини жўшқин эҳтирослари мағзига едириб тасвирлади. У реалист санъаткор сифатида миллат руҳий уйғонишини ўз руҳий бисоти «жавоҳирлари» билан кўркамлаштирди; лирик образга миллий қайноқ озодбахш кечинмалари жозибасини қўшди; маънавий гўзал қадриятлар яратди.

Шоир хаёлан Мулланур арвоҳининг турли Шарқ мамлакатларига парвозини ўткир кўз билан кузатадигина эмас, балки бу парвозни ўз шахсиятининг озодбахш гоявий-эстетик қувваи жозибаси билан ичдан ҳаракатлантириб, унга мадад бериб туради:

Менинг Шарқлик кўзим сенинг руҳингни
Шарқнинг ҳар бир бурчагида кўрадир.
Тўғри, сенинг у Шарқсуяр руҳларинг
Алжу мисрада, сарobларда юрадир.

Миллий озодлик руҳи (хоҳ шуурий, хоҳ ғайри шуурий равишда) хаёлан замон (тарихий давомийлик) ва макон (жуғрофий масофа) ҳудудларини бемалол ёриб ўтишга қобил. Шеърнинг хотимаси (ечими)да бунга тўла қаноат ҳосил қилиш мумкин. Негаки, «алжумларда, сарobларда» кезиб юрган Мулланурнинг «Шарқсуяр руҳи» «Мисрнинг сирлари тўлиб оққан Нили бўйига»; ундан «Суриянинг Шомига» учиб ўтиб, «Аср кўрган кўчаларни айланди»;

«Шу минутда Ҳимолоя тоғида
Ҳинд қизига йигитликка сайланди,»

Шоир «Шарқсуяр» Мулланурнинг фидойи руҳияти билан ўзининг мафтункор миллий-озодлик тилаклари ўртасидаги яқинлик, сирдошлик, маслакдошликни чин

кўнгилдан чуқур ҳис этди, Мулланурнинг кенг кўламли озодбахш фаолиятини хаёлан ҳавас ва ифтихор билан улуғлайди:

Кеча кўрдим уни: будда ёнида
Риёзатнинг фойдасини ўқурди.
Ўтган куни Нишопурда-боғчада
Хайём билан ишқий шеър тўқурди.
Ўтган ҳафта Чин-мочиннинг юртида
Конфуцио[1] фалсафасин эшитди.
Бу ҳафтада Эрон бориб зардаштга[2]
Нича[3] билан қалайсиз деб тегишди...
Ҳиндистонда Бедил билан юрганин
Меним Шарқлик кўзим аниқ кўрмишди.
Аламутнинг[4] тепасида юрганда
Менинг руҳим орқасидан юрмишди...

Хуллас, санъаткор Чўлпон Мулланур арвоҳининг Шарқ мамлакатлари узра парвози тасвирида (ва ўз тасаввурида) элу юрт қайғуси билан яшаб, мазлум, «йўқсил» Шарқ йўлига «ой каби... улуғ нур сочган» зотга ўз ҳамнафас, ҳамдард миллий озодлик руҳини ёркин ифодалади. Чўлпон бир қанча шеърларини марҳумлар хотирасига, азиз руҳиятига бағишлади («Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига», «Кетдинг», «Улуғ йўловчига» каби). У «Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига» (1920 й.) шеърини шундай тўртлик банд билан бошлайди:

Белгисиз қабрингни қора тунларда
Амалимнинг шамин ёқиб изладим,
Қизил ва пок қонинг исларин сочгач,
Кучсиз кўйин юришимни тезладим...

Шоир Беҳбудий қабрини зиёрат қилиб, гулдасталар қўйиши асносида ўз қалбида уйғонган мусибатли, оғир кечинмаларини сўйларкан, унинг нуроний, пок руҳи билан ўз руҳияти ўртасида ўхшашлик: Беҳбудийни қуршаган, «гул ўрнида заҳар тилар...», «оқ соллалик, қора девлар» муҳити билан Чўлпоннинг «ўзини ҳам, ютмоқ бўлган эрлар» муҳити ўртасида қандайдир фожиали ҳолат мавжудлигини ичдан сезади:

---

[1]—[4]-рақамлар қўйилган сўзларга Чўлпоннинг қўйидаги изоҳлари берилган: а) Конфуцио — Хитойда машҳур дин. б) Машҳур зардашт ҳокими. в) Нича—машҳур олмон файласуфидир. Зардашт фалсафасини ошиқ даражасида севар эди. г) Аламут — Ҳасан сайёҳнинг қалъасидир. Ҳасан сайёҳ эса Исмоилия мазҳаби зўровонларидандир.



«Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди
Қора, жирканч, ўлим кони-ерларга,
Савол бердим: «Йўқотганим қайда?» деб
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.

Шоир ҳеч иккиланмай ўзбек халқига маърифат ва озодлик нурларини таратган Беҳбудий йўлини танлаганлай, унинг руҳига мурожаат этади:

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб,
Элда қолган исминг билан тураман.
Шул исмни эслаб, чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юраман.

Кўриниб турибдики, Чўлпон «Шарқ нури», «Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига» шеърларида М. Воҳидов, М. Беҳбудий руҳиятлари тасвирига ўз руҳий қадриятлари нафосатини қўшади, сингдиради, улар руҳиятини ҳам «ўзиникидай» кечинади.

Чўлпон ҳар қайси шеърининг ижодий мазмунига мувофиқ шакл, услуб ва таъсирчан усуллар қўллайди. У большевиклар ҳокимияти томонидан хоинона ва шафқатсизча бостирилган қисқа умрли миллий давлат — Қўқон мухторияти фожиасини «Хаёли» шеърида даҳшатли босинқирашдай хотирлайди. Бўлиб ўтган шу воқеани кейинчалик кўнглида нақадар яширишга тиришмасин, бу ҳол уни тузалмас жароҳатдай қийнайди ва сийнасини ёриб чиқишга ошиқади:

Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин
Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда
Ҳеч тузалмас оғир яра бор этдим.

Аммо «бахт берган малак» — «афсоналар султони», мазкур бахт тагида «Зардобли, қонли сувлар остида қора кийган жони» талвасадалигидан дарак бергач, шоир руҳан бениҳоя азоб чекиб, жон ҳолатда таҳликали «қонли таклиф»ни хаёлан рад этади:

Кет, эй шайтон, босирқадим... қўрқаман;
Кет-кет. Қилич синган, қалқон тешилган.
Қўрасанми? Мен эзилган, ётамен,
Устимга-да бало тоғи йиқилган.»

«Табиатга» шеърини «Сайдалихонга бағишлаб» ёзди.

Сайдалихон[1] ўзи табиатшунос олим, айни замонда Абдурауф Фитрат билан бирга «Чиғатой гурунги» жамиятида тил-имло ва адабиёт масалаларини ишлашда қатнашган маърифатпарвар ўзбек зиёлиси. Шеърда унинг бу фаолияти ҳақида «лом-лим» дейилмайди, аксинча у малак, пари қиёфасида гавдалантирилиб, бутун вужуди нур билан йўғрилгани гўзаллаштирилади ва аввало шеърхон руҳига таъсир кўрсатиш мўлжалга олинади:

Танларинг нур, юзларинг нур, тенгларинг ҳурдур сенинг...
Ёкти ойлардан қуйилган ёғдулардандир танинг...
Куланкангдир — боқчаларга турли гулларни сочар,
Кўз қарашингдир сенинг, элга саодатлар очар...

Сайдалихоннинг ажиб фаолияти «элга бахт-саодат» конини очиб бериш билан чекланмайди, балки халқ афсонаси воситасида ёруғлик юзини қоплаб турувчи қоронғиликни девлар кучи билан ҳайдашга имкон туғдиради. Негаки:

Кўк юзини қоп-қора, машъум булутлардир, урар,
Ул булутлардир ёруғликнинг юзин қонлаб турар,
Ул булутлар устига отдек миниб, девлар чопар.
Ҳар уришда қамчини ўтлар ёнар, чақмоқ чақар.
Ул булутлар чопсалар девлар билан осмон буйи,
Унда бошланса жон, олбости ва шайтонлар тўйи,
Кўк гўзалдир, сел ёғар, дўллар қуяр, туфон босар,
Қум кўчар... тоғлар қадар қумлар кўчар...
йўлни тусар

Демак, реаллик афсонавий ижодий тўқима орасидан мўралаб, ўз жарангини топади.

Чўлпон лирик ижодида Навоий анъанаси бўйича йўл излаб, мазкур адабий турда «Ўзини», ўз шахсиятини, миллий ижоди мазмунини топа олди.

Чўлпон Навоийнинг лирик мазмунни ичдан руҳан кечиниб, ғазалхон юрагига сингдириш анъанасини тамоман бошқа бир тарихий ижтимоий-миллий шароитда бадиий ўзлаштира билди.

У 1917 йил санаси билан белгиланиб, «Низомиддин Асомий ўртоққа» бағишланган «Қизил байроқ» асаридаёқ, шеърхон руҳини «қитиқлаб», унга таъсир этиш

---

[1] Сайдалихон бир талай ўзбек миллий озодлик фидойилари қаторида хорижий мамлакатлардан Германияга кетиб, маданий илмий-ватанпарварлик фаолиятини ўша ерда давом эттирган.



усулини қўллади. Шеърда бу ўзбек йигитининг инқирап на совет жамоатчилигига раҳбарлиги ва на инқилобий фаолияти эслатилган. Аммо Низомиддин Асомий инқилобий фаолиятининг шеърхон руҳига таъсири бўрттирилиб, меҳнат аҳлининг ҳар қандай зулмга қарши қизил байроқ остида уюшиб ҳаракат қилишига ундириб акс эттирилган:

Уни (яъни рамзий Қизил байроқни) —
Уни олиб чиқмоқ учун қоронғудан ёруққа —
Дарёлардан оқмадими камбағалнинг қонлари?
Уни олиб бормоқ учун мазлум, ожиз халққа,
Қолмадими, Сибирларда ишчиларнинг жонлари?

Шоир ол байроқнинг ҳақиқий эгаларидан шу байроққа саломлар йўллаб, улар билан ҳамрозлигини руҳан кечиниб, шу руҳий кайфиятини китобхонлари билан баҳам кўради:

Ишчилардан, аскарлардан, мазлумлардан саломлар,
Фаришталар, малаклар ҳам ризвонлардан тақвият.
Золим бойлар-буржийлардан дардлар, ғамлар, аламлар,
Қаламимдан, қоғозимдан ҳам ўзимдан муҳаббат!!!

Шу тариқа шоир лирик образнинг зоҳирий тасвирига эмас, балки бошлича ботиний сийратига эътиборини қаратади, шеърхон юрагига инжа-нозик таъсир кўрсатишни кўзлайди: тинимсиз хаёл доимо (айниқса илҳом тўлғоқлари тутган пайтда) ижод дояси ўлароқ атрофида учиб юради.

Унинг «жинни юраги» Навоий лирикасининг баднийлик сирру асроридан қисман воқиф бўлгандай кўринади. Ундан ижодий ўрганиш ва ўзлаштиришга уринишда эса Аллоҳ ўзига ато қилган фитрий (туғма) қобилиятини кашф этишга муваффақ бўлиб, ўзбек халқининг миллий ифтихорига сазовор бўлади. Энг яхши шеърлари намуналарида шахсий камолоти туфайли ўзини «халқ руҳиятига дохил бўлгандай» сезади, лириканинг янгича миллий талқинига эришгандай бўлади.

В. И. Ленин ва большевиклар партияси мамлакатда фуқаролар уруши асосан тугатилиб, НЭП — янги иқтисодий сиёсатни амалга ошира бошлаган кезлари Шарқ сиёсати муаммосини ҳам кўтариб чиқдилар. В. И. Ленин Москва партия ташкилоти фаоллари йиғилишида Шарқ сиёсатини ёқлаб: «Биз энди фақат бутун дунё пролетарлари вакилларигина эмас, балки

ҳамма мазлум халқлар вакилларимиз... Бутун дунё пролетарлари ва мазлум халқлар бирлашингиз! — эндиги шиоримиздир», — деб эълон қилди.

Партиянинг мазкур шиорини Чўлпон ўзига яқин олди, у коммунистик партиянинг Шарқ сиёсатига доир қарор ва тадбирларини синчков кузатиб, вақтли матбуотда муносабатини билдириб турди. У 1919 йилнинг сентябрида Туркистон коммунистлари IV фавқулодда съездида иштирок этди. Шарқ сиёсатига ошкора равишда ёки шовинистик қарашларини пардалаб қарши чиққан унсурларга зарба берган коммунистларни ёқлади.

Партиянинг «Шарқ сиёсати»га икки турли позициядан ёндошиши Туркистон матбуотида ҳам ўз аксини топди. Туркистон марказий ношир афкори «Туркестанские известия» рўзномаси матбуот ходими Афанасий Никитин «Кўпроқ фойдахўр савдогарлар керак» деган ҳақоратли пичинг билан ёзилган мақоласида Туркистонда маҳаллий аҳоли ўртасида резги-бачки савдо билан шуғулланувчи қурумсоқлар 95 фоизни ташкил этадилар, улар асло давлат ишининг уддасидан чиқолмайдилар, деб хўрладилар ва ерли аҳолига ишонч билдирган маҳаллий партия ва совет ходимларини айбладилар.

Чўлпон «Иштирокиюн» рўзномасининг 1919 йил сентябр сонларидан бирида «Ниқоб остида» сарлавҳали мақоласида А. Никитин мақоласининг ерли халқларга бутунлай туҳмат эканини фош қилади, «...бир силкиниб — тахтдан ағдарган, яна бир силкиниб, бойлар дунёсини парчалаган» инқилобий ҳаракатларнинг асосчилари «...қаҳрамонона ақл ва идрок эгалари ... мазлум синфларнинг» туб мақсадларини юзага чиқардилар. «Ақлли сиёсат билан катта ишларни енгиллатишга, узоқ йўлни яқинлаштиришга ҳаракат қилдилар. Ақл ва сиёсат йўлидан боришда «Шарқ сиёсати» деган усул келиб чиқди. Бу сиёсатни оқилона олиб борганда, мақсадга тез етишиш турган гап ...»

«Шарқ сиёсати» натижасида Москвада ойда бир топқир чиқадиган «Шарқ халқлари» деган журнал нашр этилди. Унинг муқовасида бояги Коммунистик партиянинг янгиланган шиори кўзга ташланиб турар эди. Уша шиор Шарқ халқларининг Бокуда очилган Биринчи қурултойи (1920 йил, 20 сентябр) минбаридан баралла эълон қилинди.

Чўлпон мазкур қурултойга Туркистондан сайланган



вакиллардан бири эди. Унинг Боку сафарида битган лирик шеърлари публицистик чиқишлари ва мақолаларидан бадиийлик жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Буларда юрагидан фаввора уриб, отилиб чиққан миллий кечинмалари туркистонликлар ва мазлум Шарқ халқларининг озодликка интилишларини «Ўз истагидай» ижодий ўзлаштиради. У Боку сафарида йўл хотираларига бағишланган биринчи шеърини «Улуғ йўлда» деб атади. «Йўлнинг улуғлиги узоқлигида эмас, юракда сақланиб келган мақсаднинг буюклигида; шоир қалбини ларзалантирган «озодлик йўли»ни излаш ва унга эришиш» истагида «Шарқ муаммосини» ҳал қилиш мазлумларга эрк олиш»га интилишидадир.

Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,
Шарқнинг эски чигалини ечайлик.

Чўлпоннинг йўл асносидаги иккинчи шеъри «Ёруғ юлдузга» (Ҳазар[1] эсдалиги) деб аталади. Шоир Ҳазар денгизи осмонидан нур сочиб турган ёруғ юлдуздан, тарихан содир бўлган мусбат ва манфий (ижобий ва салбий) ҳодисаларни айтиб беришни илтимос қилади. «Кўзи қизариниб, ёшланиб... юзи сўлган каби юмшариб турган юлдуз» эса жавобдан ўзини тияди, лирик образнинг мазкур зоҳирий суврати мунфаиллашиб, ботиний сийрати (шоир руҳияти) фаоллашади. Шунда шоир ўз услубига мос равишда юзма-юз, кетма-кет юлдузга қарата куйиниб айтган ундов ва саволларида теран эҳтирос билан кечиниб, ўз руҳиятини ифодалайдики, шеърхон ёркин тарихий лавҳаларни тасаввур этибгина қолмай, балки шоирники каби айни руҳий ҳолатни у ҳам кечинади, эстетик завққа толади:

Гузал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла —
Оталарнинг тарихдаги хатосин
Шул хатодин осуғланиб, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин.

Сўзла, англат ўтгандаги турмушнинг
Бутун қонли, шонли, жонли ерларин
Кўз олдимда жилвалантир юрт учун
Жонлар бериб, қонлар тўккан эрларин...

[1] Ҳазар денгизи (Озар-Каспий денгизи — Ҳ. Ё).

Фалокатлар кўрган ота-боболар
Истиқболнинг қимматини билмаган
Эл ва юртни сақлаш учун сўнг хонлар
Тузуккина чора-тадбир кўрмаган

1920 йил 20 сентябрда Бокуда Шарқ халқларининг I қурултойи ўз ишини бошлади.[1] РСФСР халқ комиссарлар советининг раиси В. И. Ленин мазлум Шарқ мамлакатидан келган вакилларни «Шарқ сиёсати»нинг тўғрилигига ишонтириш мақсадида Қурултой шарафига атаб биринчи навбатда Туркистон Дорулфунунини тузиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Дорулфунуннинг барча факультетлари бўйича профессорларидан тортиб ўқитувчи ва лаборантларигача, ўқиш ва ўқитиш анжомларидан тортиб асбоб ускуналаригача махсус Шарқ поездида Тошкентга жўнаттирди. Чўлпон вақтли матбуотимизда ахборот ва мақоласи билан буларни ёритиб турди.

Чўлпон «Юрт йўли» шеърида ўзининг узун, оғир ва масъулиятли ижод йўлини юрт йўли билан, унинг юлдузи ё кундузини излаши билан қиёслайди, ўзини эса «юртининг пок истакли кучи» сифатида таништиради:

Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчиман,
Бу йўлларда қилоғузим юлдуздир.
Мен юртимнинг пок истакли кучиман,
У юлдузнинг туғилиши кундуздир...
Узоқ йўлнинг йўлчисиман борaман,
Истагимни бу юртлардан оламан!..

Шоир «ўз шахсияти»да туғилган миллийлик руҳини топиб олган пайтини «Уйғониш» деб атаб, биринчи шеърлар тўпламига шу номни қўяди, ҳатто «яшайиш»[2] шеъри хотимасидан келтирилган шу икки мисрани тўпламга эпиграф қилиб танлайди:

Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим?
Бу уйғонишда тўлуб тошди, ошди қайғуларим?

Шоир миллий озодлик сари руҳий уйғониши билан

---

[1] Шарқ қурултойининг тўла стенографик ҳисоботи шу йилнинг ўзидаёқ нашр этилган: «Стенографический отчет Первого съезда народов Востока». М., 1920.

[2] «Яшайиш» шеърининг тўла матни «Булоқлар», кейинча «Яна олдим созимни» тўпламида (1991 й. с. 423) босилган.



инқилоб туфайли вужудга келган бетартиб тўполонлар, бебошликлар ўртасида кўнглига ёқмайдиган зиддиятларни кўради. Бу унинг қайғуларига қайғу қўшади. У «қайғулар тўлиб-тошган», «гўзалликлардан» маҳрум этилган бундай «уйғоқлик» пайтини ғайри инсонийлик, «ҳайвонлик» деб билади.

Шоир лирик қаҳрамони миллий анъаналар-миллий тарих, маданий мерос, руҳий қадриятлар, урф-одат ва удумларни поймол этишни давом эттирган ижтимоий-инқилобий тунтаришлар жараёнидан норози кайфиятини ҳам ифодалади.

Чўлпон I-чи «Шарқ халқлари қурултойи» кезларида ижод этилиб, «Булоқлар» тўпламининг «Шарқ учун» туркумига кирган «Бузилган ўлкага», «Амалнинг ўлими», «Ёнгин», «Тўфон» шеърлари тўғрисида: «Жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб ётган Шарқ ўлкаларига бағишланадир», — деб изоҳ беради. Кўриниб турибдики, «Жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб ётган Шарқ ўлкалари» билан ўз ватани Туркистон ўртасида ўхшаш асоратлар мавжудлигини руҳан пайқайди, фуқаролар уруши йилларида гўзал Фарғона бошига ёғилган фалокатлар унинг дилини юз пора қилди. Шоир кўркам, хушманзара диёрининг бир вақтлар кўкка салом берган тоғларини, «олов ёқмасданоқ», шароқ-шароқ қайнаб чиққан булоқларини, мусаффо, топ-тоза оби-ҳавосини жонлантириб, тилга киритиб, улар билан дилкашлашади, оҳу зорини тинглайди, Она юрт табиати тасвирининг ҳар қайси тафсилоти шоир қалбининг қон томирларига урилиб, ажабтовур юртпарварлик садоларини кўкка таратади; миллий, шахсий ижодий эрксизликларга, зулм-тааддий, истибдод ва уларнинг асоратларига қарши кескин нафрат ва ғазаб оловларини сочади; элу юрт тупроғига ёввойиларча бостириб кирган мустамлакачиларни аёвсиз фош этади. Фуқаролар бошига тушган миллий бало-қазолар дарду аламини чуқур кечиниб, уларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мустақилликлари, эркинликларини тиклашга чин кўнглидан куйиниб даъват этади, исёнга чинакам ҳуррият олишга, миллий озодликка чақиради.

Сенинг қаттиқ, сирт бағрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар,
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизғонмасдан янчалар?
Нега сенинг қалин товшинг, «кет»! демайдир уларга?

Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайдир қулларга?..
...Нима учун ағдарилғон, йиқилғон —
Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?
Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қилғундай темирли ўқ йўқ сенда?

Шеърхон мазкур сатрлар ижодкорининг оташфишон миллий, озодбахш нафасидан руҳан баҳраманд бўлади. Завқи-кайфияти шоирникига монандлашади.

Шоир Чўлпоннинг бадиий-ижодий қонун-қоидалари шеърдан шеърга бақувватлашди. Шарқ қурултойи вакилларининг маърузалари, нутқлари, ахборотларида янграган Шарқ фуқароларининг мустамлакачилар истибдоди остида инграшларини Чўлпон шахсан дил чиғириғидан ўтказиб, қаттиқ кечиниб, лирик образда шакллантирди. «Амалнинг ўлими» шеърида мустамлакачилик фожиаси, турли мамлакат фуқароларининг моддий ва маънавий танг аҳволи шоир юрак-бағрини тилка-пора қилган ўз дард-фиғони, дил ноласи тарзида ифодасини топди.

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

Чўлпон «Шарқ қурултойи вакилларига атаб турк тилида «Йўлдош Файзулла Сожидга армуғоним» деб «Гелиюрсинг» шеърини ёзди.

Биринчи жаҳон урушида Германия томонида туриб урушган Туркия 1918 йил 30 октябрда Антанта давлатларига таслим бўлди. Империалистик давлатлар унинг доҳилига босиб кириб, иқтисодий, молиявий, сиёсий назариялари остига олдилар. Туркиянинг буюк фарзанди Мустафо Камол пошша-Отатурк жонажон Ватанини мустамлакачилик қуллигига тушишдан озод қилиш учун ҳаёт-мамот жангига отланди ва дастлабки ғалабаларни қўлга кирита бошлади.

Чўлпон шу пайтларда дўсти Файзулла Сожидга қарата қардош турк халқининг қаҳрамонона ватанпарварлик тарихини дилдан кечиниб, буни миллий буёқларда меҳр билан тараннум этди.

Чуҳдан бари сунмаз ўлан гунашинг
Тепаларнинг энг бошиндан чўринди
Чуқдан бери гўндирмиш маҳвашинг
Амалингнинг нурларига бўрунди...



Шарқ гўзали дея ғарби ёндиран
Қора сочли, қора гўзли у санинг

Чўлпон Она тўли қишлоғининг музаффар ўрдуларига атаб «Тўфон» шеърини яратди. Бунда шоир Эн-Унги, Сиқоря каби қишлоқларни озод этган турк аскарларининг илк зафарлари билан табриклайди. Сўнг у бир томондан, «жаннат каби ватан тупроғини оёқлари остида топтаган», шу «тупроқ учун инсонийликдан кечган», «Оч кўзлари олтин тўлган ерлар»га қадалган империалистик корчалонлар ваҳшати ва қонхўрликларининг гувоҳи; иккинчи томондан, азиз юртини озод этиш учун жонини тикиб, ҳаёт-мамот жангига кирган турк ватанпарварлари жонбозлигининг шоҳиди бўлиб, юрак сўзларини тўка солади:

Биламизким: шундай ёмон душманларнинг қўлида
Мангу асир, мангу тутқун бўлишни
Истамасдан қўлга яроқ олдингиз.

Биламизким, қатор-қатор қишлоқлар,
Сийнасига қон тўлдирғон тупроқлар
Ўт ичида: Шунинг учун ўлимни
Ортиқ кўруб, жонни ўтга солдингиз
Жонни қонга, ўққа, ўтга солдингиз,
Фақат бугун тотли бир ўч олдингиз,
Яна бир кур тарихларда қолдингиз!

«Ёғин» шеърида Чўлпон «Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ, гўдаклар найза бошида» деган (хабар)ни эпиграф қилиб келтиради: одам кушандалари қирғини ва ваҳшатларидан кўнгли безиллаб, ундайларни куйдириб юборувчи оловли ҳиссиёт билан ёнади ва шундай кечинишини шеърхонга юқтиради.

Кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар,
Бойқушларга бузуқ кўксин очганми?..
Шундай катта бир ўлкада ёнмаган
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?

Подаларнинг яйловида бўрилар
Қонга тўйгач, увлайларми кўплашиб?..
Қиличларнинг тилларида қизил қон,
Булоқларнинг суви янглиғ тошдими?
Яланг бола, яланг гўдак-маъсум жон
Найзаларнинг бошларидан ошдими?

Шу тариқа Чўлпон қаҳрамонона ғазаб ва рағбатлари, аччиқ киноя ва нафрат туйғулари билан ҳам шеърхоннинг эстетик тарбиясига асқотади.

Чўлпоннинг ўзига хос, мустақил, такрорланмас ижодий йўл ва бадиий эстетик қонун-қоидаларни топиши нақадар мушкул, оғир ва изтиробли кечган.

«Кўнглимга яқин нарсани излаб, кеча-кундуз оййилларим ўтди... у узоқ изланди; ўзбек, қардош, Шарқ ва Ғарб ижодкорлари адабий меросларини, замонавий санъаткорлар ва шоирларнинг ижодий маҳсулотларини қайта-қайта ўқиб, синчков назаридан ўтказди. Бир жиҳатдан, унга «эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, Ғарбники тағин яна ширин... Бир-биридан ширин!»..., бўлиб туюлди. Лекин у ўз ижодий индивидуаллигини кашф этиш ва равнақ топтириш жиҳатидан, уларнинг аксариятидан етарли қониқмади». («Улуғ ҳинди» мақоласи).[1]

Машаққатли ижодий йўлни топиш асносида «улуғ зот, яъни Рабиндранат деган киши... менга йўлиқди. Шундан... чинакам қониқдим», — деб ёзди Чўлпон шу мақоласида, — ва: «дунёнинг энг баланд тоғларидан бўлган Ҳимолойнинг... кўклар билан ўпишган чўққилари қадар юксак ва улкан асарларининг инглиз мустамлакачиларига қарши руҳ билан йўғрилган миллий озодлик пафосини кўнглига бағоят яқин олади; ана шу «муборак одам» — Тагорнинг «баъзи бир нарсаларини наср билан русча орқали таржима қилиб, ... элини танитгани»дан бениҳоят қувонади.[2]

Чўлпон миллий адабий анъаналари замирида «Шарқ ва Ғарб ўртасида», олтин кўприк «бунёд этган ҳинд миллий озодлик куйчисининг беқиёс кўламдор, муҳташам ижодиётининг айрим жиҳатлари билан ўз халқининг миллий истиқлолга бўлган майли, иродаси,

---

[1] Чўлпоннинг бу эссе-мақоласини Ш. Турдиев «Кўнгил янгилик қилради», рубрикасида «Ўзбек адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида (1990, 24-август, 34-сон) илк бор эълон қилиб, сочилиб ётган ижодий изланиш инжуларини бир ипга тизиш савобига ноил бўлган эди.

[2] Азиззоданинг ёзишича: «Ўзбекистонда тагоршуносликнинг асосчиси Чўлпон эди. Тагор асарларини Европага таниттан Ромен Роллан бўлса, Ўзбекистонда Чўлпондир. Чўлпон... ўша вақтдаги шарқшунослардан Павлович (1922-23 йилларда «Миллий ишлар комиссарлиги» «коллегия аъзоси ва шу комиссарликнинг ношир афкори», «Жизнь националностей» журналининг раҳбари. — изоҳ Л. Азиззоданики), Турко-Кряжин ҳам Вильтман кабиларнинг Тагор ижодлари ҳақида ёзган асарларидаги айрим хатоларини очиб берди... Советлар Иттифоқида Тагор таржимаи ҳолини муфассал ёритган Чўлпон бўлди».



руҳий интилишларини ифодалаган лирик ижоди ўртасида, қандайдир, яқинлик, муштараклик мавжудлигини чуқур ҳис этади. Чўлпон шу ҳиссиётига, миллий ҳуррията толпинган «эркин кўнгли» истакларига сўнгги нафасигача содиқлигини изҳор қилади, миллий турмушга «эгалик» қилмоқчи бўлган миллият душманларининг зулми ортаверар экан, «Кўнгил тилаган» мақсадига етиш хавфи кундаланг бўлиб туради, шунга қарамай, унинг кўнглини ҳеч ким эркинлик йўлидан қайтара олмайди.

Эркин кўнглим чидай олмас бу сиқиқ,
Бу бўғланган, бу «эгалик» турмушда,
Агар шундай кета берса бу аниқ
Тилаги-чун қила олмас бир иш-да...

...Ул[1] эркинлик ўз бошлилиқ истайдир,
Кетга қараб — ўлим бўлсин — кетмайдир!...

Чўлпон миллий озодликнинг бўғилишига тоқат қилиб келган «кишанлар билан дўстлашган» ҳар қандай мухолифлардан норозилигини савол тарзидаги исёнкорона ғазаби билан ифодалайди.

Кўнгил, сен мунчалар нега,
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?...

Миллий озодликка интилишдаги исёнкорлик руҳи шоирда тобора кескин тус олди:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен;
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғулгансен!

(«Кўнгил»)

...Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,
фақат буткул кутулмоққа умидим энди ортиқдир...

(«Кишан»)

---

[1] Ул, яъни «Кўнгил».

Кишанларинг занг босқондир, сергак бўлким, узилур;
Томиримда қўзғолишнинг ваҳший қони гупурди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узулди,
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузулур!

(«Қўзғалиш»)

Чўлпоннинг ижодий тасаввурига кўра, миллий озодликнинг энг ёвуз ёвлари — мустамлакачи ва шовинистик кучлар — ҳар қанча чираниб, миллий зулмни авжига чиқармасин, қирғинлар ўтказмасин, миллий бойликларимизни талон-тарож этмасин, барибир, пировардида ерли фуқароларнинг мустаҳкам имони, соф виждони ва орзу-умидлари устидан ҳукмронлик қила олмайди. Негаки: шоирнинг миллат, ватан истиқлолига ишончи ҳавойи орзу эмас, балки фуқаролар (йўқсуллар)нинг онгли исёнига, «кенг юракларига сиғмай» доим тошиб турган имон-эътиқодига таянади, у тентаклардек «борар йўлини билмай» ўлда-жўлда ҳаракат қилувчи ҳовлиқмаларни эса аёвсиз фош этади.

У Миллий озодлик руҳиятини, «кўнгли қидирган янгиликлар»ни, пок виждон шижоатини халқ куч-қудратидан, истак ва интилишларидан олади. Негаки:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир,
Халқ қўзғолса куч йўқдирким, тўхтатсун,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун.

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади: тож ва тахтлар йиқилди.

Халқ истаги: озод бўлсун бу ўлка,
Кетсун унинг бошидаги кўланка...

(«Халқ»)

Шоир ҳамиша халқ ёди, юрт хаёли, миллатпарварлик иштиёқи билан яшади, у ҳатто иситмалаб ётган оғир бетоблик чоғидаёқ, хаёлан эл дарди, юрт қайғуси билан ёниб ётади.

Чунки:

Тўшакда, уйлар орасида инграб ётмак
оғир... қийин...
Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,
Бу ўт орасида юртнинг хаёли жонланадир...

(«Оғриганда»)



Чўлпон ғоят содда, самимий шеъриятида муаззам халқ руҳиятининг исёнкорлик қиррасини ўз шахсиятида ҳам тажассум эта олганидан фахрланиб, «Кел бери» шеърида ёзди:

Турмуш — ҳақиқат бўлса,
Борлиғимни отганман...

Мен кучли, мен-да исён,
Мен — тўлқин мен-да туғён;
Кўпурармен, тошармен,
Чегарамдан ошармен!
Тўфоним элни босар,
Турмуш тоғларин ошар
Ва ўлмас, мангу яшар!...

Чўлпон лирикасида миллий эркинлик инсоний — шахсий эркинликдан айрича яшамайди, улар бир-бирига узвий туташиб, бирикиб кетади. «Шарқ қизи», «Наврўз кунида», «Мен ва бошқалар» шеърларида ўзбек қизларининг дилларидан тилларига кўчган эрксизлик нолалари, дардли кечинмалари шоир қалбини ларзалантирган, мунгли исёндай жаранглайди.

Чўлпон синглисига атаб ёзган «Шарқ қизи» шеърини синглиси тилидан гапиради. Қизнинг ўзига хос руҳий қиёфасини чизишига кенг имконият туғдиради. Айни чоқда, шоирнинг синглиси образини Шарқ қизи сифатида умумлаштириш қизиқтиради: ...«Совуқ, ғамли, қора қиш ўтиб кетиб... чиройлик баҳор» келиши: «Ҳар кимда бир шодлик, ҳар кимда бир руҳ...» уйғотади.

«Мен ва бошқалар» шеърида қизнинг лирик образи бошқаларга қарши қўйиш йўли билан очилади:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Уйнаган бошқалар, инграган менман.
Эрк эртакларини эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман...
Менда-да қанот бор, лекин боғланган...
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Куйим бор... уни-да деворлар тинглар...

Шоир мазлума аёлларнинг дардларига ўзи ҳамдард бўлади, уларнинг эрксизликлари, аламини биргалашиб тортади:

Наврўз куни-эркисизларга эрк берар,
Ўзбек қизи эркли кунда бўшалмай,

Зиндон каби тор уйидан чиқолмай,
Қалин, оғир деворларни йиқолмай,
Борлигини кенг дунёга отолмай,
Чин эрк куйин кута-кута термилар...

(«Навруз кунида»)

Чўлпон талқинида севги — ҳар қанча изтиробли риёзат босқичини кечирмасин, у табиатан пок, гўзал ва эркин бўлишни тақозо этади. У «Клеупатра уйқуси» шеърида Мисрнинг фиръавн қизи Клеупатранинг сохта, тантиқ севгиси фожиасини тасвирлайди. Қиз бениҳоят гўзал, ҳусни-жамолда тенги йўқ, танҳо:

Унинг ётиши, куннинг ботиши!
Қоронғиликда юлдузлар уйнар;
Бутун ошиқлар, кўнгли ёниқлар
Гўзал уйларни шул чоқда уйлар.
Тубан қараб юр, Нилнинг сувин кўр:
Қандай чиройлик, лимиллаб оқар,
Фиравн қизидай, илон изидай
Буралиб оқар, қимирлаб оқар...

Клеупатра нилуфар гули ошиқи: бу гулни ипак билан бир даста қилиб боғлаб, бош томонга осиб қуйма са, уйқуси келмайди. Аммо қиз бевақт уйғониб кетадию сўлинқираган гулларнинг ипини узиб, ғижимлаб, ерга отади:

Унинг кўзидан, гўзал юзидан
Уйқу, қизиллик, тўлиқлик кочди!...
— Гул сўлғон эди...
Шунинг — чун золим ерга ташлади!
Узини кўр бир, маст илон янглиғ
Жойида ётиб тўлғоқ бошлади...

Шоир сиртдан ғоят гўзал, руҳан (сийрати) эса «золим» қиз ҳақида дилидан эстетик-инсоний ҳукмини чиқаради, гулга бўлган севгини инсон севгиси даражасига кўтариб, бадиий умумлаштиради:

Бир тутам гулни бошига осса,
Яна уйқуга очар қучоғин.
Йўқса бу золим ҳеч боса олмас
Юрагидаги севмаслик доғин...

Шу билан бирга шоир ўз кўнглида етилган пок



севгининг кучини таъкидлаб, уни «севгисиз қалбларга» руҳий малҳамдай тақдим этади:

...Менинг кўксимда
Кўз ёшим билан ўсган чечак бор,
Шуни берарман, бир ҳидлаш бирлан
Севгига ботиб бир умр ухлар!...

Чўлпон шеъриятида «Кўнгил истаги» ва «Кўнгил эркинлиги» коллизиялари сокин ва шиддатли, сарбаст ва таранг, уйғун ва зиддиятли, тинч-осойишта ва нуртанали, ҳузурбахш ва аламли, тўлақонли ва нокас — ҳоказо руҳий вазиятларда кеча олади. «Мен ҳам севаман» шеърида севги ошифтаси турфа жилолари ва чексизлиги билан намоён бўлади. Шоир ойдин кечаларда ёруғ юлдузлардан интизорлик, интиқлик билан завқли, тотли севги кутади. Бундай севги насиб бўлгач, у ҳамма нарсада унинг нашъасини кўради:

Юрганда, турганда, ҳар гўзал нарса,
Менинг кўзларимга севги кўринди.
Севгига ёт бўлган ҳақиқий шуъла,
Утлар-оловларчи, пир-пираб сўнди!

...Ҳар юмшоқ товушга тутқун бўлдим мен...
Ҳар гўзал чеҳрага кўнгил берганда,
Борлиқни «у» учун қурбон қилдим мен...

Чўлпоннинг «Қаландар ишқи» шеърида ишқ-муҳаббат талқини Навоийникига яқинлашади. Фақат Навоийда ошиқ-маъшуқ ўртасидаги кўнгилсизликлар — маъшуқа бевафолиги, зулми — ситами, ҳижрон балоси — бошқалар (ағёр) образининг тўсқинлиги туфайли келиб чиқади. Чўлпонга кўра, «муҳаббат саройи» ғоят кенглигидан ишқ йўлининг ўзи бениҳоят машаққатли, хатарли ҳалокатлидир; унинг «карашма денгизида нозлик тўлқини»дан асар йўқ; «унинг гулзорида булбул навоси» шоирнинг жигар-бағрини қон қилиб, икки кўзидан дарё-дарё ёш оқизади. Шоир ўта муболағали кутилмаган ифода усулидан фойдаланиб, аламларга тўла, қаландарона ишқини куйлайди:

Қаландардек юриб, дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Демак, «Қаландар ишқи» тимсолида шоир

«муҳаббат осмони»нинг энг ёруғ юлдузи — яъни Чўлпоннинг ўзи бўлишига қарамай, у рақиби «қуёш» нурига чидамай», «қайғулар аламлари бирла» яна «кулбаси»га қайтгани ва ер қаърига ботиб кетганини ифодалайди.

Шоир бошқа бир — «Галдир» шеърида жондан ортиқ севган дутори пардаларига мунгли куйлари мўъжизасини сингдириб, тингловчисини йиғлатадиган девонавор галдир руҳига бемалол эркин кира олди:

Аҳли ғамлар мен каби мажнунсифат «галдир» бўлар,
Шул сабабдан банданинг номини «Галдир» қўйдилар.

* * *

Навоий ҳам, Чўлпон ҳам «Кўнгил»ни «мен» орқали бадиий тадқиқ этган.

Иккаласи ҳам интим лирикага боғлиқ равишда озодлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ва юксак ахлоқ ғояларини тарғиб қилди. Улар бадиий жиҳатдан ҳиссиётли, таъсирчан, шаклан хилма-хил ҳамда гўзал лирика яратди.

Бироқ бу белгилар умумий томонлардир. Навоий ва Чўлпон мазкур муаммоларга ўзига хос ёндошди; уларнинг лирик қаҳрамони кўнгли шахсий, инсоний туйғулардан кучли, долзарб, муҳим ижтимоий масалаларни бадиий таҳлил қилишга кўтарилди. Навоий темурийлар давлатини сақлаб қолишга, Чўлпон миллий истиқлолга интилди. Навоий мавзуни анъанавий мумтоз ўзбек тили, Чўлпон умумхалқ тили асосида таркиб топган янги адабий тил орқали, янги реалистик услубда, жонли баён этди. Навоий романтик методда ижод қилди, унда анъанавийлик, рамз, муболағадорлик кучли эди. Навоийда тасаввуф ва ҳаётий ҳам шарқий тамойиллар — етук; Чўлпонда давр руҳи ва Оврупа лирикаси таъсири оз эмас, миллий уйғониш, антиколониал пафос — етакчи.

Чўлпон Навоийнинг озодлик ғояларини, марказлашган давлатни мустаҳкамлашга интилишини миллий мустақиллик учун курашиш билан қўшди.

1996 йил

МУНДАРИЖА

Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3
Навоий анъаналарида кўнгил, инсонпарварлик, адолат, уйғониш даври ва марказлашган давлат ҳимояси . . . . . . . . . . . . 6
Чўлпон шеъриятида мустамлакачиликка қаршилик ва миллий истиқлол . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 21

ҲОМИЛ ЁҚУБ

# ЧУЛПОН ВА НАВОИЙ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1997

Муҳаррир *Ҳ. Султонова*
Безакловчи рассом *Н. Усмонов*
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 06.10.97 й. Босишга рухсат этилди 24.12.97 й. Бичими 84х108$^{1}/_{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 2,52. Нашриёт ҳисоб табоғи 2,24. Адади 5000. Буюртма № 1737. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**